



**З.Н.ҚУРБОНОВ**

**СОЛИҚ ҲИСОБИ  
ВА ҲИСОБОТИ**



**ТОШКЕНТ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ  
ҚЎМИТАСИ

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

З.Н. ҚУРБАНОВ

# СОЛИҚ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

27578

ТОШКЕНТ – 2010

**З.Н. Қурбанов.** Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи. Ўқув қўлланма.  
Т.: «Fan va texnologiya», 2010, 172 бет.

Ўқув қўлланмада солиқ ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларда уни олиб бориш масалалари ёритилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада солиқ ҳисоби сиёсатининг назарий масалалари ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, иқтисодий йўналишдаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:** и.ф.д., проф. Б.И. Исроилов  
и.ф.д. Н.Р. Қўзиева

Ўқув қўлланма Солиқ академияси Илмий кенгшининг  
2009 йил 19 декабрдаги 4-сонли қарорига асосан чоп этишга  
тавсия қилнган.

**ISBN 978-9943-10-379-5**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2010.

## КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари бозор иқтисодиёти талаблари асосида шакллантиришни тақозо этди. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари қабул қилинди. Бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари бўлган молиявий ва бошқарув ҳисоблари шакллантирилди, уларнинг назарий ва методологик асослари такомиллаштиришга эришилди. Мамлакатимизда ўзига хос солиқ тизими яратилди ва солиқ сиёсати йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун бухгалтерия ҳисобини мунтазам равишда халқаро стандартларга мослаштириб борилиши талаб қилинмоқда. Амалдаги солиқ сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби тизимларини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари асосида янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири – солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб бўлмайди. Солиққа тортиш масаласида синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илгор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга»<sup>1</sup>. 2007 йил 25 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ва 2008 йил 1 январдан бошлаб янги Солиқ кодекси кучга киритилди<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда амал қилаётган солиқ ҳисобининг назарий ва методологик асослари такомиллаштирилиши талаб қилинмоқда. Биринчидан, Ўзбекистонда солиқ ҳисобининг предмети,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 88-б.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун, 2007 йил 25 декабрь, ЎРҚ-136. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 12 (1380)-сонига 1-илова. Т.: 2007. 7-б.

объекти, тамойиллари илмий жиҳатдан етарли асосланмаган бўлса, иккинчидан, республикада «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлса-да, солиқ ҳисобининг солиқ маслаҳатчилари учун аҳамиятли эканлиги чуқур очиб берилмаган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, иқтисодий адабиётларда «солиқ ҳисоби» бухгалтерия ҳисоби ёки молиявий ҳисобнинг таркибий қисми, деб эътироф этиб келингани сабабли, уларда солиқ ҳисобининг тамойиллари, методи, методологияси билан боғлиқ муаммолар тўлиқ ёритилмаган.

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу ўқув қўлланмани ёзишни мақсад қилиб қўйдик.

**Ўқув қўлланмада қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга муҳим масала сифатида қаралди:**

– бухгалтерия хўжалиқ ҳисобининг таркибий турлари ва уларнинг янги таснифини асослаш;

– солиқ ҳисобининг предмети ва методини назарий жиҳатдан асослаш;

– иқтисодиётни эркинлаштириш шароитига хос «солиқ ҳисоби сиёсати»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

– мамлакатимизда солиқ ҳисобининг хориж тажрибасидан ижодий фойдаланиш;

– солиқ ҳисоби юритилишининг аналитик ҳисоб регистрларининг такомиллаштирилган шакллари ишлаб чиқиш.

Ушбу ўқув қўлланма 5340800 - «Солиқ ва солиққа тортиш» таълим йўналиши ўқув режасига асосан ёзилди.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, касб – ҳунар коллежи ўқувчилари, илмий ходимлар ва амалиётчи бухгалтерлар учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланманинг 1, 2, 3, 4, 5 - боблари З.Н.Қурбонов томонидан, 6-боби З.Н.Қурбонов ва Н.Розиқовлар ҳамкорлигида ёзилган.

# I-МАВЗУ: СОЛИҚ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ СИЁСАТИ

## Таянч сўзлар.

*Солиқ, солиқ сиёсати, солиққа тортиш тамойиллари, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, континентал ҳисоб модели, инглизсаксон ҳисоб модели, ҳисобнинг миллий стандарти.*

## 1.1. СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЎРНИ

Файласуфлардан бири «Агар ҳозирги давр тарихсиз тушунарсиз бўлса, тарих ҳозирги даврсиз долзарб эмасдир» деган экан. Шу жойда Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»<sup>3</sup> деган фикрлари жуда ўринлидир.

Шундан келиб чиқиб, «солиқ», «солиққа тортишнинг тамойиллари», «солиқ сиёсати» тушунчаларини таҳлил этишда тарихий-иқтисодий адабиётларга мурожаат қиламиз.

Бу борада шотландиялик иқтисодчи ва файласуф Адам Смитнинг қарашлари катта аҳамият касб этади. А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқотлар» (1776 й.) номли китобида даромадларни корхона капиталидан ва давлат мулкидан олинадиган даромад ва солиқларга бўлади. Ўзининг тадқиқотларини давом эттириб, А.Смит солиққа тортишнинг асосий тамойилларини биринчилар қаторида ишлаб чиқади. А.Смит ўзининг асарларида солиққа тортишнинг қуйидаги тамойиллари сифатида ишончлилик, адолатлилик, тенг тақсимланганлилик ва аниқлилик<sup>4</sup> ни қайд этади.

Кейинчалик немис иқтисодчиси А.Вагнер солиққа тортишни етарлилик ва эластиклик тамойиллари билан тўлдиради.

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 132-б.

<sup>4</sup> Пушкарева В.М. История финансовой мысли политики налогов: Уч. п. – М.: «Финансы и статистика», 2005.

А.Смитнинг шогирди Д.Рикардо ўзининг «Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши» номли рисоласида солиқ назариясига рента ва иш ҳақи назариялари билан бевосита боғлиқ муносабатлар деб қарайди. У ўзини тадқиқотлари натижаси ўларок, давлат даромадларининг бош манбаи – капиталистларнинг фойдаси деган хулосага келади. Бу назария ҳозирги замон қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Немис иқтисодчиси А.Вагнер солиққа тортишнинг 9 та қондасини ўз асарларида қайд этади ва уларни тўртта гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга солиққа тортишнинг молиявий тамойилларини киритган: 1) етарлилиқ; 2) эластиклик. Кейинги гуруҳда халқ хўжалиги тамойиллари; 3) солиққа тортишнинг манбасини танлаш; 4) турли солиқларни тизимда тўғри комбинацияси. Учинчи гуруҳда ахлоқ тамойиллари ёки адолатлилиқ тамойиллари; 5) солиққа тортишнинг умумийлиги; 6) тенг тақсимланганлилиги. Тўртинчи гуруҳ маъмурий-техник қондалардан ташкил топган: 7) солиққа тортишнинг аниқлиги; 8) солиқ тўлашнинг қулайлиги; 9) ундириш билан боғлиқ харажатларни максимал камайтириш (1.1-расм).

Биз солиқ тарихига мурожаат қилар эканмиз, Ислом дунёсига, ислом ҳуқуқига тўхталмасдан иложимиз йўқ. Ислом дунёсида солиқ қандай пайдо бўлган? Ислом дунёсида солиқ садақа ва закот сифатида шаклланган. Мажбурий садақа сифатида қаралган закот, кейинчалик расман солиққа айланган.

Закот олинган даромаднинг маълум бир қисми, яъни ҳовлижойдан, савдо, ҳунармандчиликдан олинган даромаднинг 1/4 қисмини 2,5 фоизи, чорвачилиқдан бу йиғим 12 фоизгача ундирилган.


Кейинчалик Эронда ўрта аср (XIII аср)дан бошлаб закот тамға (мўғил) савдо ва ҳунар солиғи, маваши (араб), ёки чўпон-беги (турк) - чорвачилиқ солиғи каби махсус солиқлар билан алмаштирилган.

Солиқ турлари ва унинг тамойилларига Ислом ҳуқуқида ҳам катта эътибор берилган.

Ислом ҳуқуқида солиқнинг қуйидаги турлари эътироф этилган:

1. Закот - ҳунар, савдо ва чорвачилиқ солиғи;
2. Хирож - ҳосил улуши, натура ҳолда;

3. Ушр - ҳосилнинг ёки имтиёзли ерлардан даромаднинг 10 фоизи миқдордаги енгиллаштирилган ер ўлпони;
4. Жузя - фақат ғайридинлардан пул ҳамда жон бошига ундирилган ўлпон;
5. Хумс - мусулмон аскарларнинг ғайридинлар билан жиҳод пайтида қўлга туширилган ҳарбий ўлпоннинг бешдан бир қисми.



1.1-расм. А. Вагнернинг солиққа тортиш тамойилларини гуруҳлаштириш.



Тарихдан бизга маълумки солиқ сиёсати ва тамойиллари Амур Темур даврида такомиллашган. Унинг ҳуқумдорлик даврида солиқлар давлат ва маҳаллий солиқларига бўлинган. Бу солиқ турларига қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин:

Хирож - ҳосилнинг 1/10 қисмидан 1/3 қисмигача ундирилиши назарда тутилган ер солиғи;

Молу - жиҳод – натура ва пул шаклда ундирилган мулк солиғи;

Танга - хунарманд ва савдогарлардан олинган солиқ;

Шунингдек, бу даврда божхона тўлови - «бож» ҳам жорий қилинган.

Шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, биз юқорида таъкидлаб ўтган А.Смит томонидан ишлаб чиқилган солиққа тоғиш тамойиллари, Амир Темур даврида яъни А.Смитдан 400 йил олдин таърифлаб берилган ва амалиётга жорий қилинган. Амир Темур ўзининг «Темур тузуқлари»да солиққа тортиш тамойиллари тўғрисида қуйидагиларни ёзганлар:

«Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузуққа мувофиқ йиғсинлар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг умумдорлигига қараб йиғсинлар»<sup>5</sup>. Бу билан Амир Темур солиққа тортишнинг адолатлилиги тамойилини кўзда тутган. Амир Темур солиққа тортиш тамойиллари тўғрисида яна қуйидагиларни ёзади: «Булардан ташқари кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин. Лалмикор ерларни эса жарибларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан [солиқ олишда] учдан бир ва тўртдан бир қондасига амал қилсинлар...

Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳод олинмасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ - солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар: калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш - сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан қишанламасинлар»<sup>6</sup>. Бу билан

---

<sup>5</sup> Темур тузуқлари. – Т.: «Шарқ», 2005, 120-б.

<sup>6</sup> Темур тузуқлари. – Т.: «Шарқ», 2005, 121-б.

Амир Темур солиққа тортишнинг аниқлик, қулайлик, тежамкорлик тамойилларига амал қилишни амр қилганлар. Шунингдек, улар солиқ бўйича имтиёзларга ҳам алоҳида эътибор берганлар:

«Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз курса, ё бирон боғ қўқартирса, ё худ бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили [эса олиқ солиқ] қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар»<sup>7</sup>.

Юқорида зикр этилган, Амир Темур даврида ва ундан кейин амал қилган солиққа тортиш тамойиллари ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Бу тамойиллар ҳозир ҳам амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодексида солиққа тортиш тамойиллари алоҳида моддада эътироф этилди:

«5-модда. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг тамойиллари

1. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналилиги, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари ошқоралилиги ва солиқ презумцияси тамойилларига асосланади.

2. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари ушбу Кодекс билан ўрнатилган тамойилларга зид бўлиши мумкин эмас».<sup>8</sup>

Солиқ кодексида қайд этилган солиқ солиш тамойиллари 1.2-жадвалда акс этилган.

Мамлакатимиз мустақил бўлганидан кейин ўзининг солиқ тизимига эга бўлди, Ўзбекистон иқтисодиётига мос бўлган солиқ сиёсати ишлаб чиқилди.

Солиқ сиёсати категориясини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларига мурожаат қилишимиз лозим. Президентимизнинг асарларида солиқ сиёсати борасида қуйидаги фикрлар мавжуд: «Солиқ сиёсатининг вази-фаси, бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан, корхоналарни

---

<sup>7</sup> Темур тузуқлари. – Т.: «Шарк», 2005, 122-б.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. 5-модда. 2007.

республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб–чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат»<sup>9</sup>.

Солиқ сиёсатига таъриф беришда юқоридаги фикр асос қилиниб олинishi мақсадга мувофиқдир.

Солиқ сиёсатига олимларимиз турлича таъриф беришган. Шулардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Профессор Қ.Яҳёевнинг фикрича «Солиқ сиёсати давлатнинг солиқ соҳасидаги барча тадбирларни режалаштириш, қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилишдаги ишлаб – чиқилган чора-тадбирлар йиғиндисиدير».

Т.Мирзаев, Т.Тошмуродов, О.Абдуллаевлар солиқ сиёсатига қуйидагича таъриф беришган: «Солиқ сиёсати – ҳар бир мамлакатда маълум вақтда белгиланган концепция, мезон ва вазифалар, давлат иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг асосий таркиби.

Давлатнинг солиққа тортиш услублари, солиқ турлари, уларни тўлаш тартибларини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли тадбирлари, солиқ сиёсати иқтисодий сиёсатнинг умумлашган ифодаси ҳисобланади».<sup>10</sup>

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқ сиёсатига берилган таърифлар ва фикрлар турлича.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатини такомиллаштиришга доимо алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шу жойда Президенти-миз И.Каримовнинг «Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири – солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир»<sup>11</sup> деган фикрлари ўринлидир.

Бунга яна бир мисол: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида 2009 йилга солиқ сиёсати концепцияси ишлаб чиқиш топширилди. 2009 йилга солиқ сиёсати концепциясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ўсиш устуворликлари ва барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари балансини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш асос қилиб олинган.

---

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажаги сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 52-б.

<sup>10</sup> Mirzayev T., Toshmurodov T., Abdullayev O. Soliqlar va soliqqa tortish. – Т.: «Mehnat», 2003. 17-б.

<sup>11</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош максалимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 88-б.

**Ўзбекистон Республикаси Янги тахрирдаги Солиқ кодексига мавжуд солиқ солиш  
тамоийллари**<sup>12</sup>

Модда	Тамойилнинг мазмуни	Манба
6-модда. Солиқ солишининг мажбурийлиги к тамойили	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Солиқлар ва мажбурий тўловлар ушбу Кодекс билан ўрнатилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади.</li> <li>2. Хар бир шахс ушбу Кодекс билан ўрнатишган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашга мажбурдир.</li> <li>3. Ҳеч кимга ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда ўрнатишган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.</li> </ol>	Солиқ кодекси
7-модда. Солиқ солишининг аниқлиги тамойили	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Солиқлар ва мажбурий тўловлар аниқ белгиланган бўлиши лозим. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари шундай тарзда тарғиблинган бўлиши керакки, унда хар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва мажбурий тўловларни, қачон, қандай микдорларда ва қай тартибда тўлашлари лозимлигини аниқ билишгини аниқлашади.</li> <li>2. Солиқларни ва мажбурий тўловларни ўрнатишда, ушбу Кодексда бошқача қондалар назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар ҳамда солиқларнинг ва мажбурий тўловларнинг элементлари белгиланган бўлиши лозим.</li> </ol>	Солиқ кодекси
8-модда. Солиқ солишининг адолатлилик тамойили	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Солиқ солиш умумийдир.</li> <li>2. Солиқ имтиёзларини ўрнатиш ижтимоий адолатлилик тамойилига мувофиқ бўлиши лозим. Яққа тартиб хусусиятига эга бўлган солиқ имтиёзларини беришга йўл қўйилмайди.</li> <li>3. Солиқлар ва мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши ва ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва шу каби бошқа мезонлардан келиб чиққан ҳолда турлича қўлланилиши мумкин эмас.</li> </ol>	Солиқ кодекси

<sup>12</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан фойдаланилган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

**1.2-жадвал давоми**


<p>9-модда. Солик тизимининг ягоналиги тамайли</p>	<p>1. Солик тизими барча солик тўловчиларга нисбатан бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягонадир. 2. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки бивосита чеклаб қўядиган соликлар ва мажбурий тўловларни ўрнатishга йўл қўйилмайди.</p>	<p>Солик кодекси</p>
<p>10-модда. Солик ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ошқоралиги тамайли</p>	<p>Солик солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди ва солик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун, улардаги кўрсатмаларни бажарилмаганлиги учун бирон бир жазо чораларини қўлланшда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.</p>	<p>Солик кодекси</p>
<p>11-модда. Солик тўловчининг ҳақлиги презумцияси -нинг тамайли</p>	<p>Солик ҳақидаги қонун ҳужжатлардаги қарама-қаршилик ва ноаниқликлар солик тўловчининг фойдасига изоҳланади.</p>	<p>Солик кодекси</p>
<p>12-модда Ижтимоий ҳимоя тамайли</p>	<p>Солиқлар ва мажбурий тўловлар солик тўловчиларни ижтимоий ҳимоя тамайлига асосланиши зарур</p>	<p>Муаллиф тақлифи</p>

Ушбу концепциянинг асосий мақсадлари:

- солиқ юкини пасайтириш;
- солиқ солиш тизимини, солиқлар ва мажбурий тўловларни бирхиллаштириш ва соддалаштириш;
- солиққа доир текширишлар сонини янада қисқартириш ва солиқ текширувлари тизимига ўтиш йўли билан маъмурий тартибда солиқ ундиришни такомиллаштириш.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида солиқ тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва Қарорлар солиқ сиёсатини эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳани рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Мамлакатимизда солиқ юки йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди»<sup>13</sup> (1.2-расм).




1.2-расм. Иқтисодий ислохотлар натижасида солиқ юкининг ўзгариши.

2009 йилга солиқ сиёсати концепциясида юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкаси 10

<sup>13</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007, 40-б.

фоиз қилиб белгиланди. Даромад (фойда) солиғи ставкасининг ўзгаришини таҳлил қилиш шунини кўрсатмоқдаки, агар солиқ ставкаси 1995 йилда 38 фоизни, 2000 йилда 31 фоизни, 2002 йилда 24 фоизни, 2005 йилда 18 фоизни, 2006 йилда 12 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007, 2008 ва 2009 йилларда 10 фоизни ташкил қилди. (1.3-расм).



1.3-Расм. Даромад (фойда) солиғи ставкасининг йиллар давомида камайиш тенденцияси.

Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ставкасининг пасайиб бориши, ишлаб чиқаришнинг жадал модернизация қилиниши, замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорларини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Бу концепцияда жисмоний шахслар даромадидан олинadиган даромад солиғи ставкасининг қуйи шкаласини сақлаб қолган ҳолда, ўрта шкаласини 18 фоиздан 17 фоизгача, юқори шкаласини 29 фоиздан 22 фоизгача камайитириш кўзда тутилган (1.3-жадвал).

1.3-жадвалга мурожаат қилсак, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган даромад солиғининг ставкаси 1995 йилда – қуйи шкаласи 15 ва юқори шкаласи 40 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2001 йилда мос равишда 13 ва 36 фоиз қилиб белгиланган, 2005 йилда эса - 13 ва 30 фоиз бўлган. Бундан кўриниб турибдики, бу солиқ ставкасининг юқори шкаласи 1995 йилга (40 фоиз) нисбатан 2009 йилда (22 фоиз) кескин пасайиши белгиланган.

**1995-2009 йиллар солиқ турлари бўйича ставкаларнинг  
ўзгариши**

Солиқ турлари	1995	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Даромад (фойда)	38	31	26	24	20	18	15	12	10	10	10
ҚҚС	25	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20
Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ	Ўрта Юқори	15	15	13	13	13	13	13	13	13	12
		25	25	25	23	22	21	21	20	18	17
		35	36	36	33	32	31	29	29	25	24
		40	40								
Мол-мулк солиғи (Жисмоний шахслар)	0,2	0,25	0,3	0,4	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
Юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи	2,0	2,0	2,0	2,0	3,0	3,0	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаси республикада ривожланган мамлакатларга нисбатан анча паст. Масалан, бу солиқ тури бўйича солиқ ставкаси АҚШда 39,6 фоизни, Англияда 40 фоизни, Германияда 51,5 фоизни, Францияда 60 фоизни ташкил қилар экан.<sup>14</sup>

Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда 2006 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун катта аҳамият касб этади.

«Солиқ маслаҳати» тушунчаси қонуннинг 3-моддасида қуйидаги матнда акс эттирилган: «Солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга (бундан буён матнда мижозга (ишонч билдирувчига) деб юритилади)

<sup>14</sup> Аргументы и факты. №9, 2005. С. 6.



шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир».<sup>15</sup>

Солиқ маслаҳати бўйича хизматларга қуйидагилар киради: «мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари (бундан буён матнда солиқ солиш масалалари деб юритилади) бўйича маслаҳат бериш;

солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатиш;

судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилиш.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари юқоридагилардан ташқари:

- бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш;
- молиявий ҳисобот тузиш;
- бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг хизматларини ҳам кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонунини қабул қилиниши муносабати билан Солиқ кодексига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш талаб қилинади.

Солиқ маслаҳатчиси ўз хизмат вазифасини юқори даражада бажариши учун бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий таҳлил методологиясини чуқур билиши зарур. Бу соҳалар бўйича билимга эга бўлган солиқ маслаҳатчиси мижозга солиқ харажатларини оптималлаштириш бўйича тўғри маслаҳатлар бера олади.

Республикаמידа солиқ сиёсати йилдан йилга такомиллашиб бормокда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида қўйилган вазифалар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 7 январдаги «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни. – Т.: 3-модда. 2006.

сини тайёрлаш тўғрисида»ги Ф-2108-сонли Фармойишининг ба-  
жарилиши юзасидан ишлаб чиқилган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини  
ишлаб чиқиш зарурияти:

- солиқ тизимининг мураккаблашуви;
- солиқ қонунчилигининг бир ҳил талқин қилинмаслиги;
- тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат бўлмаганлиги;
- содалаштирилган солиқ солиш тартиби ва айрим солиқлар  
ҳамда бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодекси билан эмас,  
балки меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши.

Янги таҳрирдаги солиқ кодекси Олий мажлис Сенатининг ўн  
иккинчи ялпи мажлисида (2007 йил 30 ноябрда) маъқулланди.

Эски Солиқ кодекси билан янги таҳрирдаги Солиқ кодексини  
таққослаш асосида шуни айтишимиз мумкинки, янги кодекс –  
мукаммал қонундир. Таққослаш натижалари 1.4-жадвалда ўз ак-  
сини топган.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда ва 2007 йилда қа-  
бул қилинган Солиқ кодекслари таркибини таққослаш куйидаги  
1.4-жадвалда келтирилган:

**1.4-жадвал**

Таркиби	1997 йилда қабул қилинган кодекс	Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси	Фарқи
1 қисм	2	2	-
2 бўлим	11	24	+13
3 боб	41	63	+12
4 модда	135	392	+257

Давлатнинг вужудга келиши, солиқларнинг пайдо бўлиши, солиқ тизимининг шаклланиши, солиқ сиёсатининг такомилла-  
шиши бухгалтерия ҳисобини ривожланиши ва унинг методоло-  
гиясини такомиллашувига олиб келди. Ва аксинча, Республи-  
камизда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунни қабул қи-  
линиши, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг (БХМС)  
ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши, Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат)-  
ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таркиби ҳамда  
молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги  
Низом 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорини қабул қили-  
ниши (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори асосида ўзгар-

тириш билан) солиқ сиёсатининг янада такомиллашувига сабаб бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Республикамизда бозор иқтисодиётига мос бўлган бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий-меъёрий асоси яратилди деган хулосага келишимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизими тўртта поғонага (1.5-жадвал) бўлиш мақсадга мувофиқ.

Бу жадвалда акс эттирилган бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳужжатлар тизими бевосита солиқ сиёсатини такомиллаштиришда алоҳида ўринга эгадир.

**1.5-жадвал**

**Ўзбекистон республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизими**

<b>Поғона</b>	<b>Ҳужжатлар</b>	<b>Ҳужжатларни қабул қилган органлар</b>
<b>I поғона Қонуний</b>	қонунлар, кодекслар Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палаталар, Президент, Вазирлар Маҳкамаси
<b>II поғона Меъёрий</b>	Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари	молия ва адлия вазирликлари
<b>III поғона Услубий</b>	низомлар, йўриқномалар, услубий кўрсатмалар	молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси
<b>IV поғона Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати</b>	ташкилий тақсимловчи ҳужжатлар (буйруқ кўрсатмалар)	Корхоналар, консалтинг фирмалар

**1.2. СОЛИҚ ҲИСОБИГА БЎЛГАН ЗАРУРИЯТ  
ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби назарий ва мето-

дологик жиҳатдан такомиллашиб, уни турлари ёки қуйи тизими шаклланяпти. Молиявий ва бошқарув ҳисобларининг бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми сифатида қайд этилган бўлса, кейинги даврда иқтисодий адабиётларда «солиқ ҳисоби», «стратегик ҳисоб», «экология ҳисоби», «динамик ҳисоб» тушунчалари бухгалтерия ҳисобининг қуйи тизими сифатида ёритилмоқда.

Чет эллик иқтисодчи олимлар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларини ҳисобнинг алоҳида тури ва қуйи тизими сифатида эътироф этишмоқда.

Жумладан иқтисодчи олимлар Д.Морсе ва Ж.Зиммерманлар бухгалтерия ҳисобини учта қуйи тизимга ажратади: (1) бошқарув ҳисоби; (2) молиявий ҳисоб; (3) солиқлар ҳисоби. Р. Айнсворс, Д. Деинес, Р.Д. Риумли ва К.Х. Ларсонлар бухгалтерия ҳисобини ўзаро боғлиқ бўлган тўртта қуйи тизимга бўлади: (1) молиявий ҳисоб қуйи тизими; (2) бошқарув ҳисоби қуйи тизими; (3) солиқлар ҳисоби қуйи тизими; (4) тартибга солувчи бухгалтерия ҳисоби қуйи тизими.

В.Роберт, С.Энтони, С.Жэмислар ўзларининг «Accounting principles» номли китобида қуйидагиларни қайд этадилар: «АҚШда молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисоби моҳияти жиҳатидан алоҳида жараёнлардир. ГААП – молиявий ҳисобнинг, олий раҳбарият – бошқарув ҳисобининг, ИРС ва конгресс эса солиқ ҳисобининг тамойилларини белгилайди». О.Н.Волкованинг ёзишича, «Ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг ривожланиши ва мураккаблашиши натижасида, солиққа тортиш базасини аниқ ҳисоб-китоб қилиш зарурияти туғилди. Давлат ҳам, мулкдор ҳам ва бошқарувчилар ҳам билардиларки, бундай ҳисоб-китоблар учун ягона ва объектив маълумот бу умумқабул қилинган тамойилларга мос равишда жамланган ҳисоб маълумотларидир. Шу тариқа солиқ ҳисоби пайдо бўлди».

В.В.Качалин ҳам АҚШ амалиётида молиявий ва бошқарув ҳисобларидан ташқари солиқ ҳисобини юритилишини эътироф этган.

Я.В.Соколов, В.Я.Соколовларнинг «История бухгалтерского учета»<sup>16</sup> китобида «Ягона бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлинди. Ундан кичик корхоналар ҳисоби аж-

---

<sup>16</sup> Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета. – М: «Финансы и статистика», 2006. 243 с.

ралди. 2002 йилдан бошлаб бизнинг мамлакатда солиқ ҳисоби расман эълон қилинди. ... Молиявий ҳисобнинг янгидан-янги йўналишлари, турлари пайдо бўлди (креатив, ҳисобнинг ижтимоий, инсон ресурслари ҳисоби, инсайдерлар билан ишлаш, экологик)» деб эътироф этган. Шунингдек уларнинг ёзишича, «Ҳозирги (1950 йилдан) бошқич балансни динамик ва статистик талқин жиҳатдан қарашларнинг ривожланишига олиб келди. Динамик талқин ва калькуляцияни эволюциявий методлари бошқарув ҳисобининг туғилишига олиб келган бўлса, статистик талқин эса – молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари (МҲХС) ва миллий сўраш тизимининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу икки талқин солиқ ҳисобининг шаклланишига таъсир қилди».

Бир қатор россиялик иқтисодчилар солиқ ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг қуйи тизими эмас, балки бухгалтерия ва солиқ ҳисобларини алоҳида икки турга бўлиниши тарафдорларидир. А.Починок фикрича, «солиқ ва бухгалтерия ҳисоби – ҳисоб ва ҳужжатлаштиришнинг икки туридир». Шу фикрни рус иқтисодчилари А.В. Брызгалин, В.Р Берник, А.А. Головкин, Е.В. Демешевалар ҳам қўллаб-қувватлаганлар.


Амир Темур давлатни бошқаришда ҳисобга, шу жумладан солиқ ҳисобига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Бобомиз ўзларининг «Темур тузуклари» тарихий китобида солиқ ҳисоби тўғрисида қуйидагиларни эътироф этганлар: «Яна ҳар бир ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири райят учун (бўлиб), ундан йиғиладиган олиқ – солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ – солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва райятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кешиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин».

Хўш, солиқ ҳисобининг шаклланиш зарурияти нимадан келиб чиқди?

Хорижий олимлардан А.В.Брызгалиннинг қайд этишича, «1994 йилнинг охирига келиб, солиққа тортиш тизимининг

такомиллашиши натижасида, бухгалтерия ҳисобини солиққа тортиш мақсадига бўйсиндириш, бутун ҳисоб тизимини қайта қуриш ва қайта мослашув зарурияти вужудга келди». Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб интеграциялашув ўрнига дифференциаллашув томон ривожланмоқда. Ҳисоб янги турининг, шу жумладан солиқ ҳисобининг пайдо бўлиши илмий фикрларнинг прогрессивлашувининг натижасидир.

Солиқ ҳисобининг келиб чиқиши – бу бухгалтерия (молиявий) ҳисоб билан солиққа тортиш тизимини кесимида, яъни уларнинг ўзаро боғлиқлигининг натижасидир. Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва солиқ тизимининг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги 1.6-расмда Венн диаграммаси тарзида акс эттириш мумкин.




**1.6-Расм. Макроиқтисодиёт даражасида солиқ ҳисобининг келиб чиқиши.**

Бу диаграмма орқали бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизимининг ўзаро боғлиқлигини оптимал нуқталарини топиш принципиал аҳамиятга эга. Бу боғлиқликнинг оптимал нуқтаси – бу солиқ ҳисобининг келиб чиқишидир.

Маълумотлардан фойдаланувчилар манфаатига қараб ҳисобнинг учта тури бўлиб, улар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларидир. Буларнинг ҳар бирининг ўз мақсади, вазифаси ва методологияси бор.

Бухгалтерия ҳисобининг бу 3 тури бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бу боғлиқликни ҳам Венн диаграммаси тарзида акс эттириш мумкин (1.7-расм).

Шуни қайд қилиш лозимки, бугунги кунгача солиқ ҳисоби тушунчаси иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар томонидан турлича талқин этиб келинмоқда.



**1.7-Расм. Бухгалтерия ҳисоби турлари ўзаро боғлиқлигининг Венн диаграммаси.**

Жумладан, Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 25-боби 313-моддасида солиқ ҳисоби қуйидагича таърифланган: «Солиқ ҳисоби – бошланғич ҳужжатлар асосида фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш учун Солиқ кодексида белгиланган тартибга мос равишда гуруҳланган маълумотларнинг умумлаштирилган тизимидир»<sup>17</sup>.

Бу таърифда солиқ ҳисоби фақат фойда (даромад) солиғини солиққа тортиш базасини аниқлаш учун керакли бўлган маълумотлар тизимини кўзда тутган. Шу сабабли, солиқ ҳисобига тор маънода таъриф берилган. Бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг объекти фақат фойда солиғи эмас, балки у ёки бу мамлакатда амал қилаётган барча солиқ турлари ҳисобланади.

Россия Федерациясининг Солиқ кодекси 25-боб, 313-моддасида қуйидагича ёзилган: «Солиқ тўловчилар ҳисобот (солиқ) даври натижасига кўра солиққа тортиш базасини солиқ ҳисоби маълумотлари асосида ҳисоблайди». Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг «Солиқни ҳисобга олиш» деб номланган 10-моддасида қуйидагича ёзилган: «Юридик шахсларнинг даромадлари ва солиқларини ҳисоблаб чиқиш учун улар бўйича тегишли чегирмалар, тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади».

Бу қиёслашдан хулоса шуки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда «солиқ ҳисоби» алоҳида мод-

<sup>17</sup> Налоговый кодекс Российской Федерации (часть вторая). Глава 25, статья 313. – М.: «Вершина», 2005. С. 177.

дада баён этилган. Бунда республикамиз иқтисодиёти ва солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «солиқ ҳисоби»га қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Солиқ ҳисоби – мустақил фаолият юритувчи барча жисмоний ва юридик субъектларнинг солиқ ва мажбурий тўловлари бўйича солиқ тортиш базасини аниқлаш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни ҳисобга олиш тизимидир.

Ушбу таърифга асосланган ҳолда солиқ ҳисобининг вазифасини, мақсадини қуйидагича баён этиш мумкин.

Солиқ ҳисобининг вазифаси – бу ҳисобот даврида солиқ ва мажбурият тўловларни тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган ишончли маълумотларни ҳисобга олиш, ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчиларни зарурий маълумотлар билан таъминлашдан иборат.


Бухгалтерия ҳисоби таркибига «солиқ ҳисоби»ни киритиш натижасида ҳисоб турларининг таснифи қуйидаги кўринишга эга бўлади (1.8-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларидан ташкил топган. Молиявий, ҳисобнинг якуни сифатида молиявий ҳисоботлар тузилса, бошқарув ҳисоби натижасида бошқарув қарорлари ишлаб чиқилади, солиқ ҳисобининг якуний натижасида эса - солиқлар бўйича ҳисобот тузилади. Молиявий бошқарув ва солиқ ҳисоблари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бир-бирини маълумотлар билан тўлдиради. Бу эса, бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилар учун зарур бўлган маълумотларни тўлиқ олиш имкониятини беради.

### **1.3. СОЛИҚ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Солиқ ҳисобини ташкил этишда, хорижий мамлакатларда солиқ ҳисобининг мавжудлиги ва улар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизими ўртасидаги боғлиқликка асосан бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги методлари мавжуд: «континентал», «инглизсаксон», «жанубий америка», «ислом».





**1.8-Расм. Ҳисоб турларининг таснифи.**

Бухгалтерия ҳисобининг моделларини кўриб чиқишда ишлаб чиқариши ва саноати ривожланган Германия, АҚШ, Россия, Франция, Япония ва Буюк Британия мамлакатларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, биринчидан, бу мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари бир-бирдан фарқ қилади. Иккинчидан, бу мамла-

катларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи халқаро стандартларининг асоси яратилган ва улар БҲҲС ривожланишига таъсир қилади. Учинчидан эса, бу мамлакатлар республикамизда бухгалтерия ҳисобининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган мамлакатлардир.

Бу моделлар қайси мамлакатларда амал қилиниши ва у ёки бу моделнинг ижобий томонларига тўхталиб ўтамиз.

Континентал моделда бухгалтерия ҳисоби тизими бевосита солиққа тортишнинг тамойиллари, қоидалари асосида шаклланиди ва юритилади. Бу модел ташкил қилинганда, молиявий бухгалтерия ҳисоби билан солиқ ҳисобининг кўрсаткичлари мос келади. Шунинг учун ҳам адабиётларда «континентал» модел баъзан «солиқ» модели ҳам деб юритилади.

Бухгалтерия ҳисобининг континентал модели асосида миллий ҳисоб тизимини ташкил қилган мамлакатларга Германия, Швеция, Бельгия, Испания, Италия, Франция, Швейцария, Япония ва бошқалар киради. Бу мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг солиққа тортиш тизимига боғлиқлик даражаси ҳар хил. Германияда бу ҳолат ўта кучли боғланган бўлса, Францияда кучли таъсирда, бошқа мамлакатларда кучсизроқ боғлиқликда бўлиб келмоқда.

Японияда бухгалтерия ҳисоби континентал модели асосида ташкил қилинган бўлсада, молиявий ҳисобни юритишда немис ва америка тамойилларининг баъзи элементлари амалиётда қўлланилади. Ҳозирги вақтда Японияда бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилмоқда.

Японияда бухгалтерия ҳисобининг стандартлари Тижорат кодекси ва «Қимматли қоғозлар ва биржалар тўғрисида»ги қонунлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Тижорат кодекси кредиторлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчи ҳужжат эса, акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилади. Бу мамлакатда бухгалтерия ҳисоби тамойиллари Молия вазирлиги ҳузуридаги «Бухгалтерия ҳисоби методологияси бўйича кенгаш» томонидан ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбиқ қилинади.

Япония миллий даромадларининг 29,9 фоизи даромад солиғи, 26,2 фоизи корпоратив солиқ, 23,1 фоизи истеъмол солиғи ҳисобига шаклланади.

Японияда солиққа тортиладиган фойдани ҳисоблашда Тижорат кодексида кўрсатилган молиявий ҳисобнинг қоидалари қўлланилади. Шунинг учун ҳам Японияда солиққа тортиш тизимининг молиявий бухгалтерия ҳисобига таъсири кучсизроқдир.

Континентал моделнинг ижобий томони қуйидагилардан иборат:

- оддийлик ва ҳисоб методологиясининг ягоналиги (яъни молиявий ҳисобот ягона қоидага асосан тузилади);

- даромад пул келиб тушгандан кейин тан олинади;

- ягона ҳисоб тизими мавжудлигидан икки хил молиявий натижа келиб чиқмайди (акционерлар ва солиқ органлари учун).

Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг ўзаро боғлиқлигининг континентал концепцияси XIX асрда Пруссияда вужудга келган ва бу қоидага асосан баланс фойдасининг суммаси фойданинг солиққа тортиш базасига тенг бўлиши керак. Бу моделнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бунда молиявий ҳисобот давлат солиқ органлари манфаатини кўзлаб тузилади.

Бухгалтерия ҳисобининг «инглизсаксон» ёки «инглиз-америка» модели асосан қимматбаҳо қоғозлар бозорлари ривожланган мамлакатларда амал қилади. Бу модел инвесторлар ва кредиторлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилади. Мазкур модел амал қилаётган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби давлат томонидан тартибга солинмайди. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари бухгалтерлар ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилади, давлат органлари шу тамойилларни тан олади.

Бухгалтерия ҳисобининг «инглизсаксон» модели қуйидаги мамлакатларда амал қилади: Австралия, Буюк Британия, Зимбабве, Исроил, Ҳиндистон, Ирландия, Канада, АҚШ, Покистон ва бошқалар. Бу мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизимлари ўртасида кучсиз боғланиш бор. Баъзи мамлакатларда бу тизимлар ўртасида боғланиш йўқ бўлиб, молиявий ва солиқ ҳисоблари параллел ҳолда юритилади. Масалан, АҚШнинг катта корпорацияларида молиявий ва солиқ ҳисоблари алоҳида олиб борилади. АҚШда бухгалтерия ҳисоби билан солиқ ҳисобининг асосий фарқи амортизация ажратмаларини ҳисоблаш методи ва харажатларни тан олишидадир. Бунинг асосий мақсади корхонанинг молиявий натижаларини тўғри ва аниқ ҳисоблашдир.

Россия Федерациясида бухгалтерия ҳисоби тизими олдин континентал модел асосида ривожланган бўлиб, унинг шаклланишида француз ва немис мактабларининг таъсири катта бўлган. Россияда бухгалтерия ҳисобининг ривожланишида ҳисобнинг тарихий ўзига хослиги ҳам алоҳида аҳамият касб этган.

Россияда 2000 йилдан кейин бухгалтерия ҳисоби тизимида «инглиз-саксон» моделининг тамойиллари шакллана борди. Бунинг асосий сабаби – Россия иқтисодиётига трансмиллий компанияларнинг кириб келиши бўлган бўлса, кейинги сабаби Россияни жаҳон иқтисодий интеграциясига интилишидир. Яна бир сабаби, Россия бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтишидир. Буларнинг таъсирида Россияда солиқ ҳисоби пайдо бўлди ва ривожланди.

Россия Федерациясида 2002 йилдан бошлаб молиявий, бошқарув ҳисоблари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар солиқ ҳисобини ҳам юритмоқда. Бунга асос бўлиб Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 25-бобига Солиқ ҳисоби тушунчаларини киритилишидир, яъни ушбу кодекснинг 313-моддаси «Солиқ ҳисоби. Умумий тартиблар» деб аталади. Ушбу моддага асосан солиқ тўловчилар солиқ ҳисоби тизимини мустақил равишда ташкил қилишлари зарур. Солиқ ҳисобини юритиш тартиби, солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоби сўрасини ишлаб чиқишда ўрнатилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан нафақат солиқ ҳисоби қайси мамлакатларда амал қилиши, балки солиқ ҳисоби қайси мамлакатларда мавжуд эмаслиги ҳамда унинг сабаблари ҳам ўрганилган. Жумладан: О.Н.Волкованинг ёзишича, Португалияда солиқ ҳисобининг мавжуд эмаслиги бухгалтерия ҳисобининг юқори даражада солиққа тортиш мақсадига бўйсундирилганлигидадир. Солиқ органлари тўғридан тўғри ёки билвосита ҳисоб методологиясини шакллантиради. Шу асосида алоҳида солиқ ҳисобини юритишга зарурият бўлмайди.

Я.В.Соколовнинг фикрича, Францияда солиқ ҳисобининг мавжуд эмаслиги, Франция бухгалтерия ҳисоби интизомининг ҳуқуқий моҳиятидан, яъни ҳисоб тамойиллари тўғридан-тўғри тижорат ва солиқ қонунчилигидан келиб чиқади. Корхоналар солиқ бўйича мажбуриятларини аниқлашда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган фойдани коррективровка қилиш жадвалини тўлди-

ради. Шу асосида бухгалтерия ҳисобида аниқланган фойда суммаси билан солиққа тортиш базаси ўртасида фарқ бўлмайди.

С.Қодирхонов ва Ш.Маматқуловларнинг эътирофи этишича, Хитой Халқ Республикасида солиқ ҳисобининг мавжуд эмаслиги куйидагилар билан боғлиқ. Бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш, солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва топширишнинг катъий тартиби мавжуд. Хитой Халқ Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда барча корхоналар молиявий ҳисоботни махсус талабларига биноан тайёрлашлари лозимлиги таъкидланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби билан солиққа тортиш механизмлари ўртасида боғланиш турлича. Бундан мамлакатлар иқтисодиётида солиқ ҳисобининг тутган ўрни ҳар хил бўлиб, улар тажрибасини ўрганиб, мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ ҳисобининг хорижий мамлакатларда қандай ташкил этилганлигини ўрганишдан асосий мақсад, улар тажрибасидан Республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда фойдаланишдир. Шунини алоҳида қайд этишимиз керакки, хориж тажрибасини олиб, кўр-кўрона тадбиқ этиш эмас, балки республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимида солиқ ҳисобини қўллаш муаммосини ҳал этишдан олдин, ҳисоб тизимимиз қайси бухгалтерия ҳисоби моделига яқинроқ деган саволга жавоб беришимиз керак.

Мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоб тизимининг қайси ҳисоб моделига тегишли ёки яқинроқ деган саволга жавоб беришда мавжуд омилларни ҳисобга олишимиз мақсадга мувофиқ. Бу омиллар куйидагилар:

1. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчиларнинг манфаатлари.
2. Корпоратив бошқарув модели.
3. Инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш даражаси.
4. Капитал бозорининг кимга қаратилганлиги (ориентири).

5. Молиявий ҳисобнинг солиққа тортиш тизимига нисбатан бўлган мавқеи.

Бизнинг фикримизча, кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар, республикамызда бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари асосида миллий стандартларнинг ишлаб чиқилиши, солиқ қонунчилигининг ривожланиши ва солиқ сиёсатининг такомиллашиши мамлакатимиз ҳисоб тизимини «континентал» модел асосида олиб борилмоқда деган асос йўқ. Чунки амалиётда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг объектлари бўлган бир қатор категорияларни аниқлашда солиқ тизими ва бухгалтерия ҳисобида ҳар хил усуллар қўлланилмоқда. Масалан, асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалар суммасини аниқлашда, фарқ келиб чиқади. Бу масаланинг ечимини топишда солиқ ҳисобининг элементларини қўллашга зарурият туғилади.

Иккинчидан, солиқ қонунчилигимиз молиявий бухгалтерия ҳисоб маълумотлари асосида аниқланган молиявий натижаларни солиққа тортиш мақсадида тан олади.

Учинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг солиқ ҳисоботларини тузишда молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланган ҳолда тузади. Тўғри молиявий ҳисоб ахборотлари солиққа тортиш мақсадида коррективировка қилинади ва ўзгартиришлар киритилади.

Тўртинчидан, солиқ қонунчилиги, шу жумладан, Солиқ кодексига 1997 йилдан бери 250 га яқин ўзгартиришлар киритилди, қўшимча 1300 та меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг натижасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳам ўзгартиришлар киритилиши зарурияти туғилди. Бу ҳолат, солиққа тортиш тизимини бухгалтерия ҳисоби тизимига ўз таъсирини ўтказмоқда деган хулосани келтириб чиқаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, республикамызда амал қилаётган бухгалтерия ҳисоби тизими «Инглиз-Америка» – «Инглизсаксон» модели йўналишида ривожланмоқда деган хулоса қилишимиз мумкин. Бу билан бизда республикамыз бухгалтерия ҳисоби тизими худди АҚШ ёки Буюк Британия мамлакатларидаги ҳисоб тизимидек деган фикр туғилмаслиги керак. Бизда молиявий ва солиқ ҳисоблари «автоном» ҳолда юритилмайди. Бу тўғрисида ҳали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаган. Масаланинг иккинчи томони бор, у ёки бу

мамлакат ҳисоб тизимидан бизга мос томонларини олиб, ўзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллашимиз зарур.

Бу борада бизнинг баъзи мулоҳазаларимиз мавжуд.

Биринчидан, республикамизда амал қилаётган Солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишида Россия Федерацияси Солиқ кодексидек алоҳида моддада «солиқ ҳисобини молиявий ҳисоб асосида ташкил этиш» кўзда тутилиши керак. Бу эса, мамлакатимизда солиқ ҳисобини ташкил этиш ва олиб бориш учун меъёрий – ҳуқуқий асос бўлади.

Иккинчидан, Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 25-бобида эътироф этилган, иқтисодчи омиллар томонидан такомиллаштирилган солиқ ҳисоби регистрлари шаклидан фойдаланган ҳолда, республикамиз амалиётига мослаштирилган шаклини ишлаб – чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ ҳисоби регистрлари, счётлар режасини ишлаб – чиқиш борасида Россия Федерацияси Молия вазирлиги, Солиқлар ва йиғимлар вазирлиги, ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан анча ишлар амалга оширилган.

Жумладан, солиқ ҳисоби регистрлари ишлаб чиқилган. Солиқ ҳисоби регистрлари 51 та шаклда бўлиб, улар 5 та гуруҳга бирлаштирилган. Улар қоғоз ва электрон шаклларда бўлиб, Россия Федерациясининг Солиқ кодекси томонидан махсус талаблар қўйилмаган. Хўжалик юритувчи субъектлар регистрларда акс эттирилган хўжалик операцияларининг тўғрилигига жавоб беради. Бундан кўриниб турибдики, солиқ ҳисоби регистрларини юритиш, корхоналарни молиявий хўжалик фаолиятини операцияларини солиққа тортиш мақсадида тўлиқ ва узлуксиз акс эттириш тамойилига асосланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзлари фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб, тегишли ҳисоб регистрларини юритади, зарурият туғилганда, регистрларга қўшимча реквизитлар, кўрсаткичлар, бўлимлар киритишлари мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкин:


- солиқ ҳисоби регистрларини солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда юритишни ташкил қилиш;

- хўжалик операцияларини тўлиқ акс эттириш, молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мақсадида регистрларга қўшимчалар киритишлари мумкин;


- солиқ ҳисоби регистрларини юритишдан асосий мақсад – ҳар бир солиқ тури бўйича солиққа тортиш базасини тўғри аниқлаш.

Россия Федерацияси Солиқлар ва йиғимлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирда амалиётда қўлланилаётган солиқ ҳисоби регистрлари шаклларида мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улардан фойдаланишда иқтисодиётимиз ва солиқ сиёсатимиз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, солиқ тўловчилар фаолиятини ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур бўлади. Бу регистрларни юритиш ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисобнинг аналитик моҳиятини янада оширади.

Россия Федерацияси ҳўжалик юритувчи субъектларида молиявий ва солиқ ҳисоблари қуйидаги схемада юритилади (1.9-расм).



ва



1.9-Расм. Россия Федерацияси ҳўжалик юритувчи субъектларида молиявий ва солиқ ҳисоблари.

Бундан кўриниб турибдики молиявий ва солиқ ҳисобларини бир-биридан умуман ажратиш мумкин эмас, чунки солиқ ҳисоби ва унинг регистрларини юритиш жуда мураккаб жараёндир. Бу мураккабликнинг солиқ ҳисобини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш асосида ечими топилади.



Ҳозирги вақтда Россия Федерациясида солиқ ҳисобини юри-тишда куйидаги ахборий тизимлар (АТ) қўлланилмоқда:

«1 С: Бухгалтер», «1 С: Предприятия 7.7.», «Налоговый учет 1.0» ва бошқалар.

Мазкур ахборий тизимларнинг амалиётда қўлланиши бухгалтерлар учун қулайликлар туғдиради ва уларнинг ишларини ен-гиллаштиради. Жумладан, молиявий ва солиқ ҳисоби маълумот-ларини таққослаш, солиқ ҳисобини олиб боришда йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тўғрилаш имкониятларини яратади. Шу-нингдек, бу ахборий тизимлардан солиқ ҳисобини регистрларда юри-тиш ва солиқ қонунчилигига риоя қилиш бўйича ҳужжатли текширишларни осонлаштириш мақсадида ҳам фойдаланилади.

Солиқ ҳисобини ташкил этиш борасида Украина ва Белору-сияда ҳам жуда кўп назарий, методологик ва амалий ишлар қилинган.

Бизнинг фикримизча, хориж тажрибасини мамлакатимиз бух-галтерия тизимида қўллаш ва шу асосда республикамызда солиқ ҳисобини назарий, амалий ва методологик жиҳатдан такомил-лаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### **1.4. «СОЛИҚ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қону-ни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий мақсади мамлакатимизда, баркамол авлодни тарбиялаш ва етук малакали кадрлар тайёрлашга замин яратишдан иборатдир. Ушбу қонун ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Давлат таълим стан-дартлари янги талаблар асосида ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва модер-низациялаш, бозор ислохотларининг янада чуқурлаштирилиши натижасида йилдан йилга салмоқли натижалар қўлга киритилиб, барқарор иқтисодий ўсиш йўналиши мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда ҳукуватимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёса-тининг тўла ва изчил амалга оширилиши, иқтисодиётнинг муҳим устувор тармоқларининг белгилаб берилиши ҳамда уларни ри-вожлантириш бўйича барча имкониятларнинг сафарбар этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислохотларни амалга оширишнинг бугунги босқичида иқтисодий қонунларга амал қилувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш йўлларида бири сифатида солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш тадбирларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Солиқлар ва солиққа тортиш йўналишидаги мутахассислар мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ислохотларининг маъно-моҳиятини англаши, иқтисодий билимларга эга бўлиши билан бир қаторда, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги қарз мажбуриятларининг ҳисобини юритиш тартибларини, солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобларини ҳамда ҳисоботларини тузиш кўникмаларга эга бўлишлари зарур.

Бу кўникмаларга эга бўлишда «Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўрганиш алоҳида аҳамия касб этади.

Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий эҳтияд эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми бўлган «Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фани шаклланиб, ривожланиб боради. Яъни «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби» фанлари каби «Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фани ҳам алоҳида фан сифатида ўзининг предмети ва методига, мақсади ва вазифасига эгадир.

«Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фанининг мақсади бўлиб, солиқ ҳисобини ташкил этишнинг ва юритишнинг назарий масалаларини ўрганиш, амалий билимлар ва кўникмаларга эга бўлиш ва шу билан бирга корхоналарнинг солиққа тортиш тизими тўғрисида билимларни тизимга солиш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мослаштирилган солиқ ҳисоботини тузишдан иборатдир. Шу билан бирга, талабаларга солиқ сиёсати концепциясини чуқур ўргатиш ва амалиётда қўллашга керак бўладиган билимларни шакллантириш – фан вазифалари ҳисобланади.

«Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фанининг предмети бўлиб – солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш, бюджетга тўлаш, уларни ҳисоб регистрларида акс эттириш. ҳисобот тузишнинг назарий-услубий ташкилий асосларини ёритиш ҳисобланади.

Талаба билиши керак: Бу фанни ўрганишда қуйидагиларни билишлари зарур.

- солиқ ҳисобини юритишнинг ва ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий тартибга солиш асосларини;
  - солиқ ҳисобини ташкил этиш тизимларини;
  - солиқ ҳисоби объектлари тўғрисида солиқ қонунчилиги терминологиясини;
  - солиқ ҳисобини юритишнинг методик усулларини;
  - бухгалтерия ва солиқ ҳисобини таққослаш кўрсаткичларини (тавсифини);
  - бухгалтерия ва солиқ ҳисобининг Солиқ кодексига мувофиқ алоқасини;
  - солиқ ҳисоби объектларини, методларини ва тамойилларини;
  - солиққа тортиш мақсадида даромадлар ва ҳаражатларни туркумланишини;
  - солиқ базасини шакллантириш тартибини ва солиқлар ҳисоб-китобини;
  - даромад (Фойда), қўшилган қиймат ва бошқа солиқлар ҳисобини юритиш тартибини;
  - солиқ ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш тартибини;
  - Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:**
  - солиққа тортиш мақсадида ҳисоб сиёсатини тузиш;
  - солиққа тортиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби регистрларини юритиш;
  - солиқ ҳисобини аналитик регистрларида юритиш;
  - солиқ ҳисобини юритиш мақсадида тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширишни;
  - ягона сўзлар режасидан фойдаланиш шароитида бухгалтерия ёзувларини тузиш;
  - солиқ ҳисобот шаклларини (ҳисоб-китоблар ва декларацияларни) тузиш.
- Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги Қонун ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида солиқ ҳисоби фани ўрганилади. Фаннинг асосий мақсадлари:
- солиқ ҳисоби, унинг моҳияти ва мақсадини ўрганиш;
  - солиқ ҳисобининг предмети ва методининг элементларини ўрганиш;
  - бухгалтерия балансини ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўрганиш;

- счётлар тизими ва уларда солиқлар ҳисоби муаммоларини акс эттириш тартибини ўрганиш;

«Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи»ни фан сифатида унинг назарий асосларини, ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш методларини ривожлантириш назарияси тасаввурларини шакллантириш.

Мазкур фанни чуқур ўрганиш натижасида ҳар бир талаба солиқ ҳисобининг иқтисодий ахборот тизими ва ҳўжаликни бошқаришдаги ўрни, ҳисобнинг асосий тамойиллари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳисоб методларини амалиётда қандай қўлланишини, солиқ базасининг шаклланишини чуқур тушуниб етиши зарур.

Ушбу фан «Иқтисодиёт асослари», «Молия», «Микро ва макроиқтисодиёт», «Пул муомаласи ва кредит», «Маркетинг ва менежмент асослари», «Солиқ ҳуқуқи асослари», «Солиқ тизими асослари», «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш», «Юридик шахсларни солиққа тортиш», «Хорижий шахсларни солиққа тортиш», «Аудит», «Иқтисодий таҳлил», «Статистика», «Бухгалтерия ҳисоби асослари», «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби» каби фанлар билан бевосита боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналишлари ўқув режасида «Бухгалтерия ҳисоби назарияси», «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби» каби фанлар билан бир қаторда, «Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фанини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўқув режасида мавжуд фанларни ўқитиш кетма-кетлигида ҳам номутаносибликлар ҳам мавжуд.

«Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фани 5340800 – «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналиши бўйича тайёрланаётган бакалаврлар учун ўқув режага асосан 66 соат ажратилган (шундан 18 соат - маъруза, 18 соат амалий машғулот ва 30 соат - мустақил таълим).

### Назорат учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини айтинг.
2. Солиқ сиеъатини такомиллашуви бухгалтерия ҳисобига қандай таъсир кўрсатган?
3. Солиқ ҳисоби шаклланишининг зарурияти.

4. Солиқ ҳисоби деганда нимани тушунасиз?
5. Солиқ ҳисобининг мақсади нимадан иборат?
6. Солиқ ҳисобининг вазифалари.
7. «Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи» фанининг предмети.
8. Молиявий ва солиқ ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги.
9. Бухгалтерия ҳисобининг қандай моделлари мавжуд?
10. «Инглизсаксон» моделининг моҳияти нимадан иборат?
11. Солиқ ҳисоби қайси мамлакатда ривожланган?
12. Солиқ ҳисоби маълумотидан фойдаланувчилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 30.08.1996.
2. Солиқ маслаҳати тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-55. – Тошкент, 21.09.2006.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008. 692-б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 96-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. 48-б.
6. Глава 25 Налогового кодекса РФ. Новая редакция и комментарии. – М.: Вершина, 2005, с. 248.
7. Гулямова Ф.Г. Учетная политика предприятия. – Т.: Мир экономики и права, 2004, с. 208.
8. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Т.: Ўзбекистон, 2006. 272-б.
9. Керимов В.Э. Стратегический учет: Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальностям: «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит» Под ред. В.Э.Керимова. – М.: Омега-Л, 2005. 168-с.
10. Кожин В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управление прибылью. – М.: Экзамен, 2005. 416-с.

11. Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговый учет и учетная политика организаций для целей налогообложения. – М.: ИКФ Омега–Л, 2002. 208-с.

12. Тошмурадов Т. Солиқлар: изоҳли луғат. – Т.: Мехнат, 2003. 184-б.

13. Уразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Т.: Фан, 2005. 236-б.

14. Худойбердиев У.Х., Пардаев М.Қ., Курбанов З.Н. Солиқлар учети ва таҳлили. – Самарқанд: САМКИ, 1995. 65-б.

15. Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. 156-б.

16. Курбанов З.Н. Эҳтиёж заруриятга айланса. Солиқ ҳисоби: тадқиқ, таҳлил, таклиф. // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2006. 3-сон.

17. Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: Банк-молия академияси, 2006.

18. Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси. – Т.: Банк-молия академияси, 2008.

## II-Мавзу: СОЛИҚ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

### Таянч сўзлар.

*Бухгалтерия ҳисоби предмети, солиқ ҳисобининг предмети, ҳисоб объекти, ҳисоб тамойиллари, метод, ҳисоб регистрлари, аналитик ҳисоб регистри, синтетик ҳисоб регистри.*

### 2.1. СОЛИҚ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан солиқ ҳисоби предметиға бозор моделини ўзида акс эттирувчи таърифини бериш назарий аҳамиятга эга.

Солиқ ҳисобининг предмети ва объектиға таъриф беришда умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг предмети ва объектини эволюциявий ривожланиш тарихидан келиб чиқиши керак.

Биз томонимиздан ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисоби предмети таърифининг аниқ концептуал чегараси йўқ. Масалан, Испан олими Диего дель Кастилло бухгалтерия ҳисоби предмети деб шартномани кўзда тутган бўлса, италян олими К.Беллини бухгалтерия ҳисобининг предмети деб, хўжалик жараёнларини ҳисоблаган бўлса, И.Ф.Шер эса бухгалтерия ҳисобининг предмети деб, рўй берган ички ва ташқи хўжалик, юридик ҳолатларни тан олган.<sup>18</sup> Рус бухгалтери К.И.Арнольд – «бухгалтериянинг ягона предмети – капиталнинг аниқ ва ишончли ўзгариши» деб эътироф этган<sup>19</sup>.

Рус олимлари Астахов В.П., Баканов М.И., Ламыкин И.А., Ульянов И.П., Соколов Я.В., Слепнов И.К., Сидельникова Л.Б., Кондраков Н.П., Кожинов В.Я., Шеремет А.Д. ва бошқалар бух-

---

<sup>18</sup> Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1999, с. 153.

<sup>19</sup> Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2005, с.122.

галтерия ҳисоби предметига ўзларининг дарслик, ўқув қўлланма ва монографияларида таъриф беришган бўлиб, фикрлар турлича. Масалан, В.Я.Кожинов «Бухгалтерия ҳисобининг предмети – корхоналар ёки жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолияти»<sup>20</sup> деб умумий, мунозарали таърифини берса, Л.Б.Сидельникова «Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг предмети бўлиб, индивидуал капиталнинг айланиши ҳисобланади»<sup>21</sup> деб эътироф этган. Бу таърифлар бозор иқтисодиётига жуда мос бўлиши билан бирга, камчиликлардан холи эмас. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобининг предмети фақат индивидуал капиталнинг айланиши эмас, балки барча капиталнинг айланиши бўлиб ҳисобланади. Худди шундай фикрни рус бухгалтери К.Арнольд ҳам билдирган эди. Кўришиб турибдики, мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисобининг предметига таъриф турлича берилган. Натижада, бундай ёндашувлар ҳар хил эътироз ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. К.Б.Уразовнинг бу тўғрисидаги фикрлари бунга яққол мисолдир:

«Биринчидан, ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет элда чоп этилган адабиётларда ҳозиргача муаллифларни бухгалтерия ҳисобининг, шунингдек унинг таркибий қисмлари сифатида тан олинган молиявий бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув бухгалтерия ҳисобининг предмети ва объектларининг таърифи, таснифи ва тавсифини беришда ҳамжиҳатликка эришилган деб бўлмайди.

Иккинчидан, адабиётларда берилган айрим таърифлар бухгалтерия ҳисобининг, шунингдек унинг таркибий қисмлари бўлган молиявий бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув бухгалтерия ҳисоби предметининг моҳиятини илмий асосда тўлиғича ёритиб бермайди»<sup>22</sup>.

К.Б.Уразов ўзининг «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари» номли монографиясида бухгалтерия ҳисоби предметига қуйидагича таърифлар берган:

---

<sup>20</sup> Кажинов В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управления прибылью. – М.: Экзамен, 2005, с. 22.

<sup>21</sup> Сидельникова Л.Б. Проблемы информационного обеспечения экономической деятельности предприятия. – М.: Аудитор, 1997, с. 27.

<sup>22</sup> Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: Фан, 2005, с. 67.



**Бухгалтерия ҳисобининг предмети бўлиб турли мулк шаклидаги иқтисодий субъектларнинг умумхўжалик фаолиятини ташкил қилувчи жараёнлар, операциялар ва уларнинг натижалари, шунингдек ушбу фаолиятни узлуксиз юритилишини таъминловчи активлар ва уларнинг шаклланиш манбаларининг ҳолати ва ҳаракати ҳисобланади<sup>23</sup>.**

Ушбу таъриф ҳозирги бозор иқтисодиётига мос бўлган таърифлар бўлиб, бухгалтерия ҳисоби ва унинг таркибий қисми бўлган молиявий ҳамда бошқарув ҳисобларига комплекс равишда берилган.

Энди бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми бўлган солиқ ҳисобининг предмети тўғрисида фикр юритсак. Ушбу масала ҳам долзарб бўлиб келган ва унинг предметига назарий жиҳатдан таъриф берилмаган<sup>24</sup>.

Масалан, Россия Федерацияси солиқ кодексининг 25-бобида солиқ ҳисоби, солиқ ҳисобининг мақсади, объектлари, регистрлари, сётлар режаси ва солиқ ҳисобининг асосий тамойиллари ҳақида тушунчалар берилган бўлсада, солиқ ҳисобининг предмети тўғрисида ҳеч нарса ёзилмаган<sup>25</sup>.

И.В.Кальницкаянинг ёзишича «Солиқ ҳисобининг предмети – умумлашган ҳолда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бўлмаган фаолияти бўлиб, бунинг натижасида солиқ тўловчиларнинг солиқни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича мажбурияти, яъни солиққа тортишнинг объектлари келиб чиқади»<sup>26</sup>.

В.Я.Кожиновнинг эътироф этишича, «Тўлиқ ажралган солиқ ҳисобининг предмети бўлиб, корхоналар ёки жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолияти ҳисобланади. Бунда ҳам бухгалтерия ҳисобидек хўжалик маблағлари акс эттирилади»<sup>27</sup>.

Бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг предмети таъриф беришда ҳисоб ва солиққа тортиш назарияси нуктаи назардан келиб чиқиши керак. Солиқ ҳисоби предметининг таърифида ҳисоб

---

<sup>23</sup> Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент. Фан. 2005. 68-б.

<sup>24</sup> Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Тошкент. Молия нашриёти. 2002. 672-б.

<sup>25</sup> Глава 25 налогового кодекса РФ. - М.: Вершина, 2005, с. 248.

<sup>26</sup> Кальницкая И.В. Бухгалтерский учет и налогообложение: проблемы взаимодействия. Диссертация на соискание степени к.э.н. – СПб, 2001, с. 48.

<sup>27</sup> Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управление прибылью. – М.: Экзамен. 2005, с. 32.

ва солиққа тортиш назариясининг асосий тамойиллари ўз аксини топиши зарур. Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ ҳисобининг предметиға қуйидагича таъриф бериш мумкин.

**Солиқ ҳисобининг предмети деганда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятини юри-тиш асосида солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳисоблаш, тўлаш ва таҳлил қи-лиш тушунилади.**

Бу таърифдан кўришиб турибдики, бухгалтерия ҳисобининг предмети солиқ ҳисоби предметиға нисбатан кенг тушунча бў-либ, солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисоби предметиғининг таркибига қиради ва унинг моҳиятини янада аниқлаштиради.

Солиқ ҳисоби ўзининг субъекти ва объектиға эга.

Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 25-боби 246- ва 346-моддаларига асосан солиқ ҳисобининг субъектларига қуйидаги-лар киритилган:

- юридик шахслар шу жумладан кичик корхоналар;
- хорижий компаниялар ва қўшма корхоналар;
- якка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар<sup>28</sup>.

Шундай келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг субъекти бўлиб солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Солиқ ҳисобининг объектларини аниқлашда бевосита бухгал-терия ҳисобининг объектиға мурожаат қилишимиз керак. Чунки бухгалтерия ҳисобининг объектлари молиявий, бошқарув ва со-лиқ ҳисоблари объектининг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғри-сида»ги Қонуннинг 4-моддасида «Бухгалтерия ҳисоби объект-лари. Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капи-тал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир»<sup>29</sup> деб кўрсатилган бў-либ, объектиға таъриф берилмаган.

Шуни қайд этишимиз керакки, «Бухгалтерия ҳисоби тўғ-рисида»ги Қонунни қабул қилинганиға 10 йилдан ошди, бу давр-

<sup>28</sup> Глава 25 налогового кодекса РФ.-М.: Вершина. 2005, с. 7.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.- Тошкент: 30.08.1996.

да бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик концепцияларида тегишли ўзгаришлар рўй берди. Бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми бўлган «Солиқ ҳисоби» пайдо бўлди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилмоқда. Худди шу жараёнда бухгалтерия ҳисоби объектларини янада аниқлаштириш ҳамда моддалар мазмунини таҳририй жиҳатдан қайта кўриб чиқиш зарур бўлади.

Солиқ ҳисоби объектларини аниқлаш учун яна меъёрий ҳужжатларга ва иқтисодий адабиётларга мурожаат қиламиз.

Россия Федерацияси солиқлар ва йиғимлар вазирлигининг 2002 йил 26 февралдаги буйруғи билан тасдиқланган (БП-3-02/98) Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 2-қисми «Қорхона фойдасидан солиқ» 25-бобини қўллаш бўйича услубий тавсиясида солиқ ҳисоби объекти қуйидагича ёзилган:

«Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 25-бобини қўллаш мақсадида солиқ ҳисоби объекти деганда, ҳисобот даврида ҳисобланган, даромад тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи кўрсаткичларнинг шаклланиши, шунингдек ҳисобот даврида ҳисобланган ва тан олинган харажатлар таркибига кирувчи келгуси давр харажатлари, мулклардан амортизация қийматлари ва ҳоказо харажатлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилади»<sup>30</sup>.

Профессор Л.Б.Сидельникова ва Е.Н.Назарянлар солиқ ҳисоби объектига қуйидагича таъриф беришган: «Солиқ ҳисоби объектлари бу мулклар, мажбуриятлар ва хўжалик операциялар бўлиб, улар қийматининг баҳоси орқали жорий ҳисобот солиқ даври ёки келгуси даврларда солиққа тортиш базасининг микдорини аниқлашдир»<sup>31</sup>. Бу иқтисодчилар ўзларининг таърифларида фойда, даромад, харажатларни солиқ ҳисобининг объекти сифатида эътироф этишмаган.

Н.А.Травкина солиқ ҳисобининг объекти деб «товар (иш, хизмат)ларни сотиш операциялари, сотилган товарлар қиймати; - фойда, даромадлар, харажатлар;

<sup>30</sup> Методические рекомендации по применению глава 25 «Налог на прибыль организаций» части второй Налогового кодекса статья -313.-Россия Федерацияси. 26.02.2002.

<sup>31</sup> Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговый учет и учетная политика организаций для целей налогообложения. – М.: Омега. 2002, с. 64.

- «корхона мулклари»ни ҳисоблайди<sup>32</sup>.

И.В.Кальницкая солиқ ҳисобининг объектларига қуйидагиларни киритган:

«- товарлар (иш, хизмат)ни сотиш операциялари;

- юридик ва жисмоний шахслар мулки;

- фойда;

- даромад;

- сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қиймати;

- Солиқ кодекси билан белгиланган бошқа объектлар»<sup>33</sup>.

Эътироф этилганлардан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби методологиясида ҳисобнинг предмети ва объекти категорияларига бир хил таъриф берилмаган, ҳисоб объектларининг илмий асосланган таснифи бериш охирига етказилган эмас. Буларнинг барчаси ҳисоб объектининг назарий концепциясига кенг маънодаги қарашлар билан бирга, уларнинг ҳар хиллигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, солиқ ҳисобининг объектига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Корхоналарда рўй берган хўжалик операциялар, активлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар ва фойда солиқ ҳисобининг объектларидир».

Буни қуйидаги схема тарзида 2.1-расмда акс этирилди.


## **2.2. СОЛИҚ ҲИСОБИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕТОДИ**

Ҳисоб назариясида унинг тамойиллари муҳим ўрин эгаллайди. Чунки тамойиллар ҳисоб методологиясининг асоси ва негизи бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби методологиясининг асосий мақсади ҳам умумий ҳисоб тамойилларини ишлаб чиқишдир. Бу ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида яна долзарб бўлиб қолмоқда.

---

<sup>32</sup> Травкина Н.А. Бухгалтерский учет и налоговый учет: состояние и пути развития. – М.: Компания Спутник, 2004, с. 13.

<sup>33</sup> Кальницкая И.В. «Бухгалтерский учет и налогообложение: проблемы взаимодействия». Диссертация на соискание степени к.э.н. – СПб, 2001, с. 64.



2.1-расм. Солиқ ҳисобининг объектлари.

Кейинги пайтда бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг назарий масалаларига меъёрий ҳужжатларда алоҳида эътибор берилмоқда. Лекин, солиқ ҳисоби тамойиллари адабиётларда ёритилмаган ва кам тадқиқот қилинган назарий масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам солиқ ҳисобининг тамойилларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари солиқ ҳисоби учун ҳам умумий тамойиллар бўлиб, уларга асослангандир. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобининг тамойилларини эслатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида қуйидаги тамойиллар акс эттирилган: «Бухгалтерия ҳисобининг асосий қондалари қуйидагилардир:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;
- узлуксизлик;

– хўжалик операциялари, активлар ва пасивларнинг пулда баҳоланиши;

– аниқлик;

– ҳисоблаш;

– истикболни кўра билиш (эҳтиёткорлик);

– мазмуннинг шаклдан устунлиги;

– кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;

– молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;

– ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;

– активлар ва мажбуриятларнинг баҳоланиши»<sup>34</sup>.

«Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал (тамойил) асослари». О-БҲМС да қуйидаги тамойиллар келтирилган:

«Тамойиллар:

– ҳисоблаш;

– икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш;

– узлуксизлик;

– хўжалик муомалалари, активлар ва пасивларни баҳолаш;

– ишончлилик;

– эҳтиёткорлик (консерватизм);

– мазмунни шаклдан устунлиги;

– кўрсаткичларнинг қиёсийлиги;

– бетарафлик;

– ҳисобот даври даромадлари билан харажатларининг мувофиқлиги;

– активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси;

– тушунарлилик;

– аҳамиятлилик;

– муҳимлилик;

– ҳаққоний ва холис тақдим;

– тугалланганлик;

– изчиллик;

– ўз вақтида тақдим этиш»<sup>35</sup>.

---

<sup>34</sup> «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун 6-модда. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари. Тошкент 2004. 7-б.

Тамойилар йиғиндиси ҳисоб концепциясини ташкил қилади. Шунга асосланган ҳолда солиқ ҳисоби концепциясига таъриф берамиз. Солиқ ҳисобининг концепцияси – солиқ ҳисобини юриштиш ва солиқ ҳисоботини тузишнинг асосий назарий тамойилларининг мажмуасидир. Бу таърифдан кўриниб турибдики, концепция элементлари бўлиб солиқ ҳисобининг тамойиллари ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳисоб тури ёки ҳисобнинг қуйи тизимидек, солиқ ҳисобининг ҳам ўзига хос бўлган тамойиллари мавжуд. Солиқ ҳисобининг тамойиллари тўғрисида ҳам олимлар турли фикрларни билдиришган ва тамойиллар мазмун ва сон жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Масалан, В.Я.Кожинов: «Агар солиқ ҳисоби ахборот контурида мустақил қуйи тизим тури сифатида шаклланган бўлса, умумий тамойиллардан ташқари, у ўзининг махсус тамойилларига асосланган бўлиши керак»<sup>36</sup>, деган фикрни билдириб, солиқ ҳисобининг қуйидаги тамойилларини санаб ўтади ва қисқача ҳар бир тамойилга тушунтириш бериб кетади:

- алоҳидалик (автономия) тамойили;
- универсаллик тамойили;
- назорат килувчанлик тамойили;
- комплекслилик тамойили;
- глобаллилик тамойили<sup>37</sup>.

Е.В.Крейнина ҳам ўзининг тадқиқотларида солиқ ҳисобининг қуйидаги тамойилларини қайд этган:

- ўзига хослик тамойили;
- қонунлар билан мустаҳкамланганлик тамойили;
- доимийлик тамойили<sup>38</sup>.

И.В.Кальницкая ўзининг илмий-тадқиқотларига асосланиб, солиқ ҳисоби тамойиллари таркибига қуйидагиларни киритган:

- ўзига хослик (исключительность);
- солиқ бўйича мажбуриятларни тан олиш;
- объективлик;
- мувофиқлик;
- бўлинганлик;

---

<sup>36</sup> Кожинов В.Я. Бухгалтерский счёт и налоговый учет: управление прибылью.-М.: Экзамен 2005, с. 44.

<sup>37</sup> Ўша жойда 44-45 б.

<sup>38</sup> Крейнина Е.В. Интеграции бухгалтерского учета и налоговой системы. Дисс.на соискание степени к.э.н.- СПб. 1996, с. 116.

- бажарувчанлик;
- солиқ календарини юритиш ва риоя қилиш;
- кетма-кетлик<sup>39</sup>.

К.А.Иванов солиқ ҳисобининг тамойилларига қуйидагиларни киритган:

- корхона мулкининг яхлитлиги;
- даврийлилик;
- пулда ўлчаш;
- қўллашнинг кетма-кетлиги;
- узликсизлик;
- ҳисоблаш;
- даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги;
- ҳужжатлар билан тасдиқланганлик<sup>40</sup>.

Россия Федерацияси Солиқ кодекси 25-бобининг 246, 285, 274, 313, 314, 271, 272-моддаларида ҳам солиқ ҳисобининг юқорида эътироф этилган тамойиллари ўз аксини топган<sup>41</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари билан бирга ўзининг махсус тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилади, деган хулосага келишимиз мумкин. Шунингдек, солиқ ҳисоби тамойилларини солиққа тортишнинг ва бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш керак. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, умумийлик билан бир қаторда, солиқ ҳисоби тамойиллари бухгалтерия ҳисоби тамойилларидан фарқ қилади. Энг асосий фарқ, агар бухгалтерия ҳисоби икки ёқлама ёзув тамойилларига асосланса, солиқ ҳисоби эса, бир томонлама ёзувларга асосланади.

Эътироф этилганлардан келиб чиққан ҳолда, солиқ ҳисоби тамойилига қуйидагича таъриф берилди.

**Солиқ ҳисоби тамойиллари – солиқ ҳисобини юритишнинг методологияси асосини ташкил этувчи қоидалар тизимидир.**

Бу таърифга ва юқоридагиларга асосланган ҳолда солиқ ҳисобининг тамойилларига қуйидагилар киради: икки ёқлама ёзиш,

<sup>39</sup> Кальнишкая И.В. Бухгалтерский учет и налогообложение: проблемы взаимодействия». Дисс. на соискание степени к.э.н.- СПб. 2001, с. 63.

<sup>40</sup> Иванов К.А. Налоговой учёт и контроль расчётов на контроль в производных организациях. Автореферат.-М.: 2004.

<sup>41</sup> Глава 25 Налогового Кодекса Р.Ф.– М.: Вершина. 2005, с. 248.



даврийлик, солиқлар бўйича мажбуриятларни тан олиш, даромат ва харажатлар мос келиши, конунлар билан мустахкамланганлик тамойиллари.

Солиқ ҳисоби предмети ва тамойилларининг ўзига хослиги унинг методини ҳам аниқлашга имкон яратади. Бевосита метод ва усуллар ёрдамида солиқ ҳисобининг объекти ўрганилади. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобининг, шу жумладан солиқ ҳисобининг методи ва усулларини аниқлашда бевосита уларнинг мақсади, функцияси, вазифаси ҳамда методологиясини ҳисобга олишимиз керак. Умумий қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида бухгалтерия ҳисобининг методи ва усуллари алоҳида моддада санаб ўтилмаган ҳамда унинг (методнинг) таърифи берилмаган. Бундан келиб чиқиб, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган методи ва усуллари матн тартибда берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиқ ҳисобининг методи умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг методи ва усулларига асосланишдан ташқари, ўзининг махсус метод ва усулларига эга.

**Солиқ ҳисобининг методи – хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик операциялари, активлари, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар, даромад, харажат ва фойда кўрсаткичларини аке эттирувчи усуллар мажмуасидир.** Шундай қилиб, солиқ ҳисобининг тамойиллари ва методини белгилаб олдик. Тамойиллар ва методга асосланган ҳолда солиқ ҳисобини олиб бориш методологиясининг назарий муаммоларини ечишга ҳаракат қиламиз. Солиқ ҳисоботини олиб бориш методикаси бўйича ҳам мутахассисларнинг фикрлари ҳар хил.

Иккинчи поғона стандартларида ҳар бир солиқнинг аниқ тури ва солиқ ҳисоби жараёнлари ва солиқ ҳисоби бўйича солиқ ҳисобини юритиш тартиби ҳамда бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг ўзаро боғлиқлиги белгиланади. Солиқ ҳисобининг ҳисоб сиёсати иккинчи поғона стандарти ҳисобланади.


Учинчи поғона стандартлари бўлиб, солиқ ҳисобини олиб борувчилар ишларини аниқлаштирувчи ва тартибга солувчи низомлар ва йўриқномалар ҳисобланади»<sup>42</sup>. С.А.Николаева томони-

---

<sup>42</sup> Николаева С.А. Налоговый учёт в 2002 году: учётная политика для целей налогообложения. – М.: Ан-Пресс. 2002, с. 18.

дан таклиф килинган солиқ ҳисобини стандартлар асосида юритиш таклифини, солиқ ҳисобини автоном ҳолда олиб бораётган корхоналарда қўллаш мумкин бўлади. Бошқа ҳолатларда солиқ ҳисобини юритиш тартиби корхоналарнинг ҳисоб сиёсати билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Солиқ ҳисобини ташкил этишнинг қуйидаги вариантлари мавжуд (2.2-расм).



2.2-расм. Солиқ ҳисобини ташкил этиш вариантлари.

1. Солиқ ҳисоби сиёсатини тасдиқлаш асосида солиқ ҳисоби регистрларидан фойдаланилган ҳолда солиқ ҳисобини ташкил этиш;

2. Молиявий ҳисоб маълумотлари асосида солиқ ҳисоби регистрларини шакллантириш асосида ташкил этиш.

### **2.3. СОЛИҚ ҲИСОБИНИНГ РЕГИСТРЛАРИ**


Ҳисоб регистрлари икки гуруҳга бўлинади: аналитик ва синтетик. Солиқ ҳисобининг аналитик регистрлари - бухгалтерия ҳисоби счётларига тақсимланмаган (акс эттирилмаган) ҳолда ҳисоб давридаги солиқ ҳисоби маълумотларини гуруҳлаштирилган, тизимлаштирилган йиғма шаклларидир. Аналитик регистрлар солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади ва ҳисоб сиёсатига илова қилинади. Ҳисоб регистрларини юритиш асосида солиқ ҳисобини ташкил этиш тизими ишлаб чиқилади (2.3-расм). Россия Федерацияси Солиқлар ва йиғимлар вазирлигининг 2001 йил 19 декабрдаги «Солиқ ҳисобини тизими тўғрисида»ги ахборот хабарномасида солиқ ҳисобининг 51 та регистри мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда 5 та гуруҳга бўлган:

1. Оралик ҳисоб-китоб регистрлари;
2. Солиқ ҳисоби бирлиги ҳолатини ҳисобга олувчи регистрлар;
3. Хўжалик операцияларини ҳисобга олувчи регистрлар;
4. Ҳисобот маълумотларини шакллантирувчи регистрлар;
5. Тижорат бўлмаган корхоналарни мақсадли маблағларини ҳисобга олувчи регистрлар.

Солиқ тўловчилар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоби маълумотлари билан таъминлашга керак бўладиган регистрлар мустақил ҳолда ишлаб чиқади ҳамда юритилади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг тегишли бошқармалари томонидан ягона шаклдаги регистрларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ ҳисобининг баъзи аналитик ҳисоб регистрлари ишлаб чиқилган. Жумладан, мол-мулк солиғини ҳисоб-китоб регистри 2.3-жадвалда келтирилган.



2.3-расм. Солиқ ҳисобини ташкил этиш тизими.

**Мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун асосий воситалар ва номоддий активлар  
ўртача қийматининг ҳисоб-китоб регистри (2008 йил 4 чораги)**

№		Баланс нинг қатор коди	2009 йил 1 январь ҳолатига қолдик					
			01.01.08	01.02.08	01.03.08	01.04.08	01.05.08	01.06.08
1	Асосий воситалар	010	36295340676	36658161730	36637405807	43652860794	43752540329	43770218329
2	Номоддий активлар	020	2949265093	2948665685	2948665685	2948665685	2948665685	2948665685
3	Асосий воситаларнинг эскириши	011	1644923016	1809913925	1964276483	2131322347	231516315	2498043745
4	Номоддий воситаларнинг эскириши	021	74234245	123076038	172220466	221364894	270509322	319653750
5	Мулкнинг қолдик қиймати	012 022	37525448507	37673837452	37449574543	44248839237	44116180378	43901186519
6	Солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган қиймат (имтиёз)		36848992371	37000278706	36791260033	43592557767	43457756504	43245189630
7	Солиққа тортиладиган қиймат (4-5)		676456136	673558746	658314510	656281471	658423873	655996890
	Ҳисобот даврида солиққа тортиладиган мулкнинг ўртача қолдик қиймати		665787039		Солиқдан озод қилинган мулкнинг ўртача қиймати		41653658899	

2.3-жадвал давом

№		Баланс нинг қатор коди	2009 йил 1 январь ҳолатига қолдик						
			01.07.08	01.08.08	01.09.08	01.10.08	01.11.08	01.12.08	01.01.08
1	Асосий воситалар	010	44064681247	44074431174	44075331174	44076681174	44079001174	44078811174	44078811174
2	Номоддий активлар	020	2948665685	2948665685	2948665685	2963317370	2968104264	2968104264	2968104264
3	Асосий воситаларнинг эскириши	011	2681631044	2866912461	3052243212	3237577712	3422920650	3608268172	3793616067
4	Номоддий воситаларнинг эскириши	021	368798178	417942606	467331229	516719852	566188257	615656662	665125067
5	Мулкнинг қолдик қиймати	012 022	43962917710	43738241792	43519074103	43285700980	43057996531	42822990604	42588174304
6	Солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган қиймат (имтиёз)		43289924223	43066107997	42848489134	42617568586	42389996713	42157637945	41925286721
7	Солиққа тортиладиган қиймат (4-5)		672993487	672133795	670584969	668132394	667999818	665352659	662887583

**Мол-мулк солиғидан имтиёз (экспорт)**

Ушбу регистрнинг қулайлиги шундан иборатки, бунда асо-сий воситалар, номоддий активларнинг қолдиқ қийматлари, улар-нинг эскириш суммалари ҳар ой учун кўрсатилади. Шунингдек мол-мулк солиғи бўйича имтиёз суммаларини, солиққа тортила-диган база суммаларини ҳисоблаш осондир.

Бу регистрни амалиётда қўллаш бухгалтерлар ва солиқ хиз-мати ходимларига қулайликлар яратади.

Солиқ ҳисоби регистрларининг шаклларини кейинги мавзу-ларда солиқ турлари бўйича ҳисоб методологиясини ўрганиш жараёнида, аниқ маълумотларга асосланган ҳолда кўриб чиқи-лади.

Хўжалик юритувчи субъектлар солиқ ҳисобини ташкил этиш, уни юритишнинг методикаси, фойдаланиладиган ишчи счётлар режаси, регистрларни ўзгаришининг солиқ ҳисоби сиёсатида аниқ кўрсатадилар.

Тадқиқот натижасида биз томонимиздан солиқ ҳисобининг баъзи аналитик ҳисоб регистрлари ишлаб чиқилди. Жумладан, мол-мулк солиғини ҳисоб-китоб регистри (2.3-жадвал).

Ушбу регистрнинг қулайлиги шундан иборатки, бунда асо-сий воситалар, номоддий активларнинг қолдиқ қийматлари, улар-нинг эскириш суммалари ҳар ой учун кўрсатилади. Шунингдек мол-мулк солиғи бўйича имтиёз суммаларини, солиққа тортила-диган база суммаларини ҳисоблаш осондир. Бу регистрни амали-ётда қўллаш бухгалтерлар ва солиқ хизмати ходимларига қулай-ликлар яратади.

Солиқ ҳисоби регистрларининг шаклларини кейинги мавзу-ларда солиқ турлари бўйича ҳисоб методологиясини ўрганиш жа-раёнида, аниқ маълумотларга асосланган ҳолда кўриб чиқилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар солиқ ҳисобини ташкил этиш, уни юритишнинг методикаси, фойдаланиладиган ишчи счётлар режаси, регистрларни ўзгаришининг солиқ ҳисоби сиёсатида аниқ кўрсатадилар.

### Назорат учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисобининг предмети.
2. Солиқ ҳисобининг предмети.
3. Бухгалтерия ҳисобининг объекти нимадан иборат?
4. Солиқ ҳисобининг объекти нимадан иборат?

5. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари.
6. Солиқ ҳисобининг тамойилларининг ўзига хослиги нималардан намоён бўлади.
7. Метод нима?
8. Бухгалтерия ҳисобининг методи.
9. Солиқ ҳисобининг методи.
10. Солиқ ҳисобининг регистрлари.
11. Ҳисобининг аналитик регистрлари.
12. Синтетик ҳисоб регистрлари.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 30.08.1996.
2. Глава 25 Налогового кодекса РФ. Новая редакция и комментарии. – М.: Вершина, 2005, с. 248.
3. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 272-б.
4. Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управление прибылью. М.: Экзамен, 2005. 416-с.
5. Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговый учет и учетная политика организаций для целей налогообложения. – М.: ИКФ Омега-Л, 2002. 208-с.
6. Уразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. 236-б.
7. Худойбердиев У.Х., Пардаев М.Қ., Қурбанов З.Н. Солиқлар учети ва таҳлили. – Самарқанд: САМКИ, 1995. 65-б.
8. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. 156-б.
9. Қурбанов З.Н. Эҳтиёж заруриятга айланса. Солиқ ҳисоби: тадқиқ, таҳлил, таклиф. // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2006. 3-сон.
10. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси. – Тошкент: Банк-молия академияси, 2008.

### III-Мавзу: СОЛИҚ ҲИСОБИ СИЁСАТИ

#### Таянч сўзлар.

*Ҳисоб сиёсати, солиқ ҳисоби сиёсати, ҳисоб сиёсатининг таркиби, даромад, ҳаражат, асосий восита, номоддий активлар, амортизация ажратмаси, ТМЗ.*

### 3.1. СОЛИҚ ҲИСОБИ СИЁСАТИНИНГ МОҲИАТИ

Ҳисоб сиёсатини ўрганишда асосан мақсад унинг моҳиятини очиш, солиқ ҳисоби сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда уни методик жиҳати тўғрисида билимга эга бўлиш.

Республикамизда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобни, шу жумладан солиқ ҳисобини юритишни ташкил қилиш мақсадида «ҳисоб сиёсати»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида ҳисоб сиёсати ўз аксини топмаган. Ўзбекистон Республикаси 1-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС)да ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: «ҳисоб юритиш сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш асослари ва қоидаларига мос равишда усулларининг қўлланилиши тушунилади»<sup>43</sup>.

К.Б.Уразов ҳисоб сиёсатига ҳозирги бозор иқтисодиётига мос келадиган таъриф берган: «Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг танланган аниқ қонуний усуллари ўзида мужассамлаштирувчи ва фойдаланувчиларнинг

---

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Тошкент. 2004. 16-б.



ахборот олиш талабларини тўлиқ қониқтиришга хизмат қилувчи ички меъёрий ҳужжат тушунилади».<sup>44</sup>

Бухгалтерия ҳисобининг методологияси билан боғлиқ муаммолар доимо долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам унинг таркибий қисми бўлган солиқ ҳисоби методологиясини ўрганишимиз зарур.

Солиқ ҳисоби методологияси қуйидагилардан ташкил топади:

1. Солиқ ҳисоби сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
2. Солиққа тортиш мақсадида солиқ ҳисобида акс эттирувчи ҳисоб – солиқ кўрсаткичларини шакллантириш. Масалан, солиқ ҳисоби регистрлари асосида фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани аниқлаш.
3. Солиққа тортиладиган базани шакллантириш мақсадида солиқ ҳисоби методини аниқлаш.
4. Умумқабул қилинган тамойиллари йўриқномаларни солиққа тортиш мақсадида йўналтиришнинг интерпретацияси. Бунинг асосий мазмуни шундан иборатки, бу метод солиқ ҳисобининг фиксал функциясини амалга оширади.
5. Солиқ ҳисоби регистрлари ва солиқлар бўйича ҳисоб-китоб ҳамда бошқа солиқ ҳужжатлар шаклини белгилаш. Махсус регистрлар, ҳисоб-китоблар ва солиқ ҳужжатларни юритиш солиқ ҳисоби методологиясининг техник усуллари бўлиб ҳисобланади.

Солиқ ҳисобининг регистрлари: ҳисоб-китоблар, регистрлардан иборат бўлади.


Солиқ ҳисоби счётлар режаси ва ишчи режани ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.

Бухгалтерия ҳисоби турлари молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблари бўлгани сингари ҳисоб сиёсати шу турларга мос равишда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Шунинг билан олган ҳолда ҳисоб сиёсатини умумий таркибий қисмини қуйидаги 3.1-расмда келтирилган.

Республикамизда чоп этилган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, буларда «Солиқ ҳисоби сиёсати» ёки «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» тушунчалари ўз аксини топмаган.

---

<sup>44</sup> Уразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари – Тошкент.: Фан. 2005. 151-б.



3.1-расм. Ҳисоб сиёсатининг таркибий қисмлари.

Шундан келиб чиққан ҳолда «Солиқ ҳисоби сиёсати»нинг моҳиятини очишга ҳамда бу тушунчага таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Россия Федерациясида «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» тушунчаси Солиқ кодексининг 21-боби «Кўшилган қиймат солиғи»ни қўллаш билан пайдо бўлган ва Солиқ кодексининг 25-боби «Фойдадан солиқ»нинг 254, 261, 267, 307, 313, 314-моддалари билан янада мустаҳкамланган. Бирок, бу ҳуқуқий қонуний ҳужжатларда ҳам солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсатига таъриф берилмаган. Ўрганилган чет эл адабиётлари таҳлили шунни кўрсатдики, жуда кўп иқтисодчилар солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсатини «солиқ ҳисобини юритишнинг корхона томонидан танланган усуллар мажмуаси» деб эътироф этишган. Жумладан, А.В.Брызгалин, В.Р.Берник А.Н.Головкин, Е.В.Демешовалар қуйидагича таъриф беришган: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати деганда корхонанинг солиқ ҳисобини юритиш, солиқ ва йиғимларни ҳисоблаш қоидаларини танланган усуллар мажмуаси тушунилади». Бундан кўриниб турибдики, корхона солиқ ҳисобини юритишнинг методологиясини ўзи танлаши, танланган усуллар маълум бир ҳужжат билан мустаҳкамлаши керак.

Л.Б.Сидельникова ва Е.Н.Назарянлар ўзларининг қўлланмасида қуйидагиларни қайд этганлар: «Россия Федерацияси со-

лик кодексининг 25-бобини амал қилиши билан «солиқ ҳисоби» тушунчаси пайдо бўлди ва «солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» атамаси ҳуқуқий мустақкамланди. Бу билан боғлиқ ҳолда корхоналар иккита алоҳида бухгалтерия ва солиқ ҳисоби сиёсатларини тасдиқлаш зарурати туғилди». Ушбу муаллифлар томонидан солиқ ҳисоби сиёсатига таъриф бермасаларда, бухгалтерия (молиявий) ва солиқ ҳисоби сиёсатларининг асосий элементлари қиёсий таҳлил қилинган.

Л.И.Куликованинг фикрича: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати – бу ташкилот фаолиятининг хусусияти ва солиқ ҳисобининг бош тамойилларига мос ҳолда фойда солиғини солиқ базасини аниқлайдиган ахборотларни умумлаштирувчи қоида ва методлар мажмуасидир».

М.Л.Пятованинг қарашича: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати деганда солиқ тўловчига солиқ қонунчилиги томонидан берилган комплекс имкониятлардан амалга оширилган хўжалик операцияларини солиққа тортиш режимларидан бирини танлаш тушунилади». Бу фикр билан биз тўлиқ қўшилиша олмаймиз. Чунки, ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва фақат солиқ қонунчилиги томонидан берилган имкониятлардан бири танланмайди, балки солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисобини тузишда қўлланиладиган усуллар ва методлар танланади.

С.Ю.Матвеев солиқ ҳисоби сиёсатига қуйидагича таъриф берган: «Корхонанинг солиқ ҳисоби сиёсати деганда солиқ ҳисобини юритиш мақсадида фойда солиғини аниқлаш учун хўжалик фаолиятида рўй берган ҳодисаларни бошланғич кузатиш, уларни тан олиш ва қийматда ўлчаш, гуруҳлаштириш ва умумлаштириш усулларининг қабул қилинган мажмуаси тушунилади». С.Ю. Матвеевнинг берган таърифи олдингиларга нисбатан кенг ва тўлиқроқ дейиш мумкин. Бироқ, хўжалик юритувчи субъект фақат фойдадан солиқ базасини аниқлаш ва унинг солиқ ҳисобини юритиш учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқмайди. Чунки, хўжалик юритувчи субъект бюджетга бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаши ҳам мумкин.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, олимлар ўртасида солиқ ҳисоби сиёсатига таъриф беришда ҳам фикрлар ва терминология хилма-хил. Бизнинг фикримизча, «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» тушунчаси ўрнига «Солиқ ҳисоби сиёса-

ти» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоби сиёсатига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

**«Солиқ ҳисоби сиёсати – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини тузиш учун танланган қонда ва усуллар мажмуасидир».**

Солиқ ҳисоби сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар учун ички меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Солиқ ҳисоби сиёсатини ишлаб чиқишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

- мулк шаклини;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият тури;
- солиққа тортиш тизими ва тўланадиган солиқ турлари;
- корхонанинг моддий техник базасини;
- ҳисоб ходимларининг малакаси ва билим савиясини.

С.Ю.Матвеев солиқ ҳисоби сиёсатини шакллантиришда қуйидагилар бўлишини эътироф этган:

- солиқ ҳисобининг ягона счётлар режаси;
- ягона регистрлар тизими;
- ахборотларни йиғиш ва назорат қилишнинг ягона автоматлаштирилган тизими;
- ягона дастурий таъминоти.


### **3.2. СОЛИҚ ҲИСОБИ СИЁСАТИНИНГ ТАРКИБИ**

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият муаллифлар солиқ ҳисоби сиёсатини ташкилий техник ва услубий қисмлардан иборат бўлиши керак деган фикрдалар. Масалан: Е.А.Нестерованинг ёзишича, солиқ ҳисоби сиёсати солиқ ҳисобининг барча ташкилий, техник ва услубий аспектларини қамраб олиши керак.

О.О.Андрееванинг эътироф этишича: «Ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнида солиқ ҳисобининг ташкилий-техник ва услубий аспектлари белгиланиши ва асосланиши зарур». Бундай фикрларни В.Я.Кожин, В.Н.Журавлев, Л.Б.Сидельникова, Е.Н.Назарянлар ҳам қўллаб-қувватлашган.

Ф.Ф.Ғулова ҳисоб сиёсатини тўртта қисмдан, яъни умумий тартиблар, ҳисоб услубиёти, ҳисоб техникаси ва ҳисобни ташкил

этиш қисмларидан иборат бўлишини қайд этади. Бизнинг фикри-мизча, солиқ ҳисоби сиёсати учта, яъни, ташкилий, техник ва услубий қисмлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу тўғрисида биз олдин нашр этилган ўқув қўлланмада ҳам шундай фикр билдирган эдик. Солиқ ҳисоби сиёсатининг таркиби чизма кўринишда берилган (3.2-расм).



3.2-расм. Солиқ ҳисоби сиёсатининг таркиби.

3.2-расмдан кўриниб турибдики, солиқ ҳисоби сиёсатининг ташкилий қисмида ҳўжалик юритувчи субъектларда солиқ ҳисобини юритишнинг шакли, солиқ ҳисобини олиб бориш кимга ва қайси бўлинмага юклатилганлиги, бухгалтерия (молиявий) ҳисоб билан солиқ ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ҳужжатлар айланишини ташкил этиш масалалари ўз аксини топган.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг техник қисмида солиқ ҳисобининг модели унинг регистрларининг шакли, солиқ ҳисобининг ишчи счётлар режаси, солиқ ҳисоби ахборотларини қайта ишлашнинг технологияси ҳамда бошқа техник масалалар бўлиши керак.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг асосий қисми бўлиб, унинг методологик томони ҳисобланади. Шунинг учун бу қисмга алоҳида ва кенгроқ тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмини шакллантиришда бухгалтерия (молиявий) ва солиқ ҳисобининг ўзаро боғлиқ ҳамда уларнинг фарқли томонларини қиёсий таҳлил қилиш зарур. Чунки, ҳисоб сиёсатининг услубий томонлари кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Шу асосда солиқ ҳисоби тамойиллари методларини қўллаш ва объектларни ҳисобга олиш услубиёти ишлаб чиқилади.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмининг таркиби 3.3-расмда акс эттирилган. Бу қисмда даромад ва харажатларни таснифи, уларни тан олиш, мулк ва ТМЗ ни баҳолаш усуллари, асосий восита ва номоддий активларни амортизация ажратмасини ҳисоблаш методлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисобида акс эттириш методикаси, солиқ ҳисоботини тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш тартиблари кўрсатилади.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг ўзига хос томонлари қуйидаги 3.1-жадвалда акс эттирилган. Бунда ҳар бир объектнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси ҳамда солиқ ҳисобини ташкил этиш ва олиб бориш усуллари эътироф этилган.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмида қуйидаги элементларга алоҳида эътибор бериш керак:

- активлар ва мажбуриятларни баҳолаш методларига;
- даромад ва харажатларни солиқ ҳисобида тан олишга;
- амортизацияни ҳисоблаш методларига;
- амортизация меъёрларини қўллашга;



3.3-расм. Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий аспекти.

- захира (резерв)ни ташкил этишга;
- солиқларни ҳисоблаш, тўлаш тартибларига;
- солиқлар бўйича аванс тўловларини амалга ошириш тартибига;
- солиқ ҳисоби аналитик регистрлари шаклига;
- солиқ ҳисобида қўлланадиган ишчи счётлар режасига ва бошқаларга.

Бу элементларни солиқ ҳисоби сиёсатининг объекти сифатида қараш ва методологиясининг ўзига хос томонларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

### 3.1-жадвал

#### Солиқ ҳисоби сиёсати методологиясининг ўзига хос томонлари

Т/р	Ҳисоб сиёсатининг объекти	Солиқ ҳисобини ташкил этиш ва олиб бориш усуллари	Меъёрий асоси
1	Даромад ва харажатларнинг таснифи	Даромад ва харажатларни гуруҳлаш	Солиқ кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999й. 5 февралда 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низом
2	Даромад ва харажатларни солиқ ҳисобида тан олиш	Даромад ва харажат турлари бўйича	БҲМС
3	Мулкни ТМЗ баҳолаш коидалари	Ўртача таннарх ФИФО	БҲМС – 4, 5, 6, 7
4	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясини ҳисоблаш усуллари ва унинг ҳисоби	Тўғри чизикли, тезлаштирилган усуллар	БҲМС – 5, 7
5	Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби	Ҳар ойда ҳар чорақда	Солиқ кодекси
6	Солиққа тортиш мақсади учун резерв ташкил этиш	Резерв ташкил этиш, резерв ташкил этмаслик	Солиқ кодекси
7	Солиқ ҳисоботи ва ҳисобот шакллари	Ойлик ҳар чорақлик йиллик	Солиқ кодекси БҲМС – 1, 3



Солиқ ҳисоби сиёсатининг асосий таркибий элементи бўлиб ишчи счётлар режаси ҳисобланади. Солиқ ҳисобининг ишчи счётлар режаси хўжалик юритувчи субъект томонида ўзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқилади.

Ишчи счётлар режасини шундай шакллантириш керакки, счётлардан олинadиган маълумотлар асосида қўшимча ҳисоб-китобларсиз солиқ турлари бўйича ҳисоботлар тузиш имконияти яратилиши лозим. Бунинг учун счётлар шундай танланиши керакки, бу счётларда даромадлар, харажатлар ҳисобга олиниб, счётлардаги маълумотлар асосида солиқ турлари бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш имкониятини бериши зарур.

Солиқ ҳисоби сиёсатини шакллантиришда солиқ турларини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки солиқларнинг ҳар бир тури бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш усуллари, ҳисоб регистрлари юритиш, уларни счётларда акс эттириш бир-биридан фарқ қилади.

Биз юқорида келтирилган таркибдаги таркибдаги солиқ ҳисоби сиёсатини амалиётда қўллаш, солиқ ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчиларни керакли бўлган маълумотлар билан тўла таъминлаш имконини беради.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ҳисоб сиёсати нима?
2. Ҳисоб сиёсатининг таркиби нималарни ўз ичига олади?
3. Солиқ ҳисоби сиёсати.
4. Солиқ ҳисоби сиёсатида нималар ўз аксини топади?
5. Солиқ ҳисобининг услубий қисми нималарни ўз ичига олади?
6. Ҳисоб сиёсати қайси меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган?
7. Счётлар режаси ва ички счётлар режаси қандай тасдиқланади?
8. Солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар қайси счётларда ҳисобга олиб борилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 30.08.1996.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Тошкент: Адолат, 2008. 692-б.
3. Альмардонов М.И., Кузиева Н.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Тошкент: Иқтисод – молия, 2007. 214-б.
4. Авророва И.А. План счетов. Налоговый комментарий. – М.: Налог инфо, Статус – К во 97, 2006. 296-б.
5. Гулямова Ф.Г. Учетная политика предприятия. – Тошкент: Мир экономики и права, 2004, с. 208.
6. Журавлев В.Н. Первичные документы и регистры налогового учета. – М.: Налог Инфо, Статус-Кво 97 2006, 160-с.
7. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 272-б.
8. Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управление прибылью. М.: Экзамен, 2005. 416-с.
9. Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговый учет и учетная политика организаций для целей налогообложения.–М.: ИКФ Омега-Л, 2002. 208-с.
10. Уразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. 236-б.
11. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. 156-б.
12. Қурбанов З.Н. Эҳтиёж заруриятга айланса. Солиқ ҳисоби: тадқиқ, таҳлил, тақлиф. // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2006. 3-сон.
13. Қурбанов З.Н., Турдиев М. Халқаро учет ва аудит, уларга ўтиш муаммолари. // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1995. 4-сон. 38-39-б.

## **IV-МАВЗУ: Фойда солиғининг ҳисоби.**

### Таянч сўзлар:

*Даромадлар, ҳаражатлар, фойда, доимий фарқ, вақтинчалик фарқ, амортизация ажратмаси, амортизация нормаси, экспорт имтиёз, солиқлар бўйича имтиёз, фойда солиғидан имтиёз.*

### **4.1. Фойда солиғини ҳисобга олишдаги меъёрий ҳужжатлар**

Республикамызда бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодиётни бошқаришда бухгалтерия ҳисоби алоҳида ўрин тутди. Бу шароитда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг молиявий бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Солиқ кодекси, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 декабрдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, «Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом (2005 йил 24 февраль) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Президентимизнинг кейинги фармон ва қарорлари мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилиши билан бирга бухгалтерия ҳисоби ва жумладан солиқлар ҳисобини такомиллаштиришда ҳам дастурий амал бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда юқорида келтирилган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар асосида молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблари ташкил қилинади. Масалан: фойда солиғининг базасини аниқлашда ва ҳисобини юритишда қуйидаги БҲМСдан фойдаланилади (4.1-жадвалга қаранг).

**Фойда солиғининг базасини аниқлаш ва ҳисобини  
юретишда фойдаланиладиган БҲМС**

Т/р	БҲМС рақами	БҲМС номи	БҲМСни қабул қилган санаси ва рақами
1		Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос	14.08.1998 й. № 475
2	1	Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот	14.08.1998 й. № 474
3	2	Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар	26.08.1998 й. № 483
4	3	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи	27.08.1998 й. № 484
5	4	Товар – моддий захиралари	17.07.2006 й. №1595
6	5	Асосий воситалар	20.01.2004 й. №1299
7	7	Номоддий активлар	27.06.2005 й. №1485
8	12	Молиявий инвестициялар ҳисоби	16.01.1999 й. № 596
9	21	Корхоналар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси	9.09.2002 й. № 103
10	23	Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш	27.06.2005 й. № 1484

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни акс эттирувчи счётлар сон жиҳатидан кўп (4.2-жадвалга қаранг).

Киритилаётган ўзгаришлар бевосита олдин қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга, жумладан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан давр талабига жавоб берадиган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фойда солиғи ҳисобини кўриб чиқамиз. Бу масалани ёритишда Ўзбекистон Республикаси «Фармсаноати ДАК»га қарашли бўлган «FARM GLASS» кўшма корхонаси маълумотларидан фойдаланилади.

**Солиқлар ва мажбурий тўловларни молиявий бухгалтерия  
ҳисобида акс эттирувчи счётлар**


Т/р	Счётнинг раками	Счётнинг номи
1	0930	Вактинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи
2	3210	Вактинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи – жорий қисми
3	4510	Солиқлар бўйича бўнақ тўловлар
4	6220	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар – жорий қисмига
5	6400	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби
6	6520	Ижтимоий сугурта бўйича тўловлари
7	6530	Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар
8	7210	Вактинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар
9	7220	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар
10	8840	Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари
11	9810	Фойда солиғи тўлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг қарорлари билан тасдиқланган «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномада «...солиқ солинадиган фойдага эга бўлган юридик шахслар фойда солиғи тўловчилар ҳисобланади» деб белгилаб қўйилган.


Шундан келиб чиқиб, фойда солиғини солиққа тортиш базасини аниқлашда даромад ва харажатларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Шунинг учун ҳам солиқ ҳисоби методологиясида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилди ва у 3.4, 3.5-расмларда кўрсатилган. Бу ҳисоб тизими асосида даромадлар ва харажатларнинг ҳисобини ташкил этиш, солиққа тортиш базасини аниқ ҳисоблаш имкониятини яратади ҳамда ишчи режада ортикча-кераксиз счётларни бўлишига йўл қўймайди.



4.1-расм. Даромадларни ҳисобга олиш тизими.



4.2-расм. Харажатларни ҳисобга олиш тизими.

## 4.2. ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧАЛИК ФАРҚЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Солиққа тортиладиган фойдани аниқ ҳисоблашда «доимий фарқлар», «вақтинчалик фарқлар» тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчаларнинг моҳияти 12-МҲҲС «Фойдадан солиқ» стандартда кўрсатиб ўтилган.

Фарқлар бухгалтерия ҳисобида кўрсатилган фойда билан солиққа тортиш мақсадида аниқланган фойда ўртасидаги фарқдир. Бу фарқлар даромадлар ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилигида тан олиш қоидалари ҳар хиллигидан келиб чиқади.

Доимий фарқлар – бу ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдани шакллантирувчи даромадлар ва харажатлар бўлиб, улар ҳисобот давридаги (келгуси ҳисобот даврида) солиққа тортиладиган фойда базасидан чегирилади.

Вақтинчалик фарқлар – бу фойдани шакллантирувчи даромад ва харажатларнинг баъзи моддаларини бухгалтерия ҳисоби фойдасига ҳисобот даврида, фойда солиғи базасига бошқа даврга олиб борилиши натижасида ҳосил бўладиган фарқлар.

Вақтинчалик фарқлар солиққа тортиладиган фойда базасига таъсирига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- чегириладиган (кечиктириладиган) вақтинчалик фарқлар;
- солиққа тортиладиган вақтинчалик фарқлар.

Вақтинчалик фарқларни келиб чиқиш сабабларидан бири бу асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмасини ҳисоблашда молиявий ҳисоб билан солиқ ҳисобида ҳар хил усулларнинг қўлланишидир.

Мисол: «FARM GLASS» кўшма корхонасига асосий восита (енгил автомобиль) 2005 йил декабрда қабул қилинди. Унинг қиймати 24 000 000 сўм. Фойдаланиш муддати 5 йил, амортизациянинг меъёри 20 фоиз. Солиқ солиш мақсади учун амортизация меъёри ҳисоб сиёсатида 12 фоиз белгиланган. 2006 йил учун амортизация суммаси ва вақтинчалик фарқ ҳисоблансин.

4.3-жадвалга асосан Бухгалтерия молиявий ҳисоб бўйича амортизация 2 880 000 сўмни ташкил қилган бўлса, солиқ базасини аниқлаш мақсади учун эса - 4 800 000 сўмни ташкил қилди.

Вақтинчалик фарқ:

$$4\ 800\ 000 - 2\ 880\ 000 = 1\ 920\ 000 \text{ сўм}$$

Кечиктирилган фойда солиғи: 2006 йилда фойда солиғининг ставкаси 12 фоиз.

$$1\ 920\ 000 \times 12\% : 100 = 230\ 400 \text{ сўм}$$

#### 4.3-жадвал

### «FARM GLASS» қўшма корхонасида асосий воситалар бўйича амортизация ажратмасини ҳисоблашда вақтинчалик фарқни ҳисоблаш.

(сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	Бухгалтерия ҳисоби мақсади учун	Фойда солиғи базасини аниқлаш мақсади учун
1	Асосий воситанинг (енгил автомобиль) бошлангич қиймати	24 000 000	24 000 000
2	2006 йил учун амортизация суммаси	2 880 000	4 800 000
3	2007 йил январь ҳолатига асосий воситанинг қолдиқ қиймати	21 120 000	19 200 000

Юқоридаги ҳисоб-китобларга асосан вақтинчалик фарқлар молиявий ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

<b>ДЕБЕТ:</b>	счёт 0950	«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи»	- 230 400 сўм
<b>КРЕДИТ:</b>	счёт 6410	«Бюджет тўловлар бўйича қарз турлари бўйича»	- 230 400 сўм

Кейинчалик, яъни ҳар ойда солиқнинг тегишли қисми узок муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилади:

<b>ДЕБЕТ:</b>	счёт 3210	«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи»	- 19 200 сўм
<b>КРЕДИТ:</b>	счёт 0950	«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи»	- 19 200 сўм



Ҳисоб-китобларда биз фақат бир мисол билан ҳисобга олиш методикасини тушунтиришга ҳаракат қилдик. Амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бу ҳолатлар жуда кўп бўлиб, улар суммаси катта микдори ташкил қилади. Бу эса фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда ва унинг реал бўлишига таъсир қилади. Лекин амалиётда кўп ҳолларда бухгалтерлар томонидан доимий ва вақтинчалик фарқлар эътиборга олинмайди. Натижада, солиққа тортиладиган фойда суммаси реал бўлмайди.

### 4.3. ИМТИЁЗЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Фойда солиғининг ҳисобини ўрганишда хўжалик юритувчи субъектларга солиқ бўйича имтиёзлар бериш масалалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқ имтиёзларини бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган ва қабул қилинмоқда. Бунга яққол мисол бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 майдаги 74-сонли «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳисобланади.

Солиқ қонунчилигига асосан солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, тўғри ҳисоблаш ва мақсадли йўналтиришни назорат қилиш солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган.

Давлат солиқ кўмитасининг тезкор маълумотларига асосан солиқ турлари бўйича имтиёзларнинг энг кўп микдори, яъни 58,4%и қўшилган қиймат солиғига, 15,4%и мол-мулк солиғига, 7,8%и фойда солиғига, 10,7%и ер солиғига, 7,7%и эса бошқа солиқ турларига тўғри келмоқда.

Юридик шахслар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари микдори бюджетга ундирилган солиқ тушумига нисбатан ўртача 15,0-15,7%ни ташкил қилмоқда.

2005 йил 24 февралда тасдиқланган «Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги таҳрирдаги)га асосан солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисоби олиб борилади. Бу Низомга асосан хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар ва божхона имтиёзлари:

а) бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан;

б) бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқлар имтиёзларининг молиявий ҳисоби 8840 - «Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» счётида солиқ имтиёзларининг турлари бўйича олиб борилади.

Солиқлар ва божхона имтиёзларини ҳисоблаб ёзаётганда батафсил ҳисобга олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар счётлар режасидаги қуйидаги счётларни очади:

а) бюджетга бўнак тўловларни ҳисобга олиш ҳисоб варақлари (4400) гуруҳида «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари – солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» счёти;

б) бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисоб-варақлари (6400) гуруҳида «Бюджетга тўловлар бўйича қарз – солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлар бўйича)» счёти;

в) суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6500) гуруҳида «Давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар – солиқ имтиёзлари (турлар бўйича)» счёти;

г) турли кредиторлардан қарзларни ҳисобга олиш ҳисоб варақлари (6900) гуруҳида «Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлар бўйича)» счёти.

Бериладиган солиқ имтиёзларини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосланиши керак. Тадқиқ қилинаётган «FARM GLASS» қўшма корхонасида фойда солиғи бўйича имтиёз сотилган маҳсулотнинг ҳажмида экспортга сотилган маҳсулотнинг улуши учун берилган. Бу қуйидаги 4.4-жадвал маълумотлари билан асосланган.

## 4.4-жадвал

**«FARM GLASS» ҚК нинг 2008-2009 йиллар  
экспорт қилинган маҳсулот ҳажми**

(минг сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Фойда	
		2008 й	2009 й
1	Сотишдан соф тушум («Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»-нинг 050-сатри)	16437607,80	24686927
2	Шу жумладан, экспорт маҳсулоти (иш, хизматлар)	12059717,70	19429906
3	Сотишнинг умумий ҳажмида экспорт маҳсулотининг улуши	73,37	78,71

Ҳисоб-китобдан кўрииб турибдики, «FARM GLASS» қўшма корхонасида 2008 йилда сотилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 16 437 607 минг сўмни ташкил қилган бўлса, шундан экспортга сотилган маҳсулот 12 059 717 минг сўмни ташкил қилди.

Экспортнинг ҳиссаси 73,37 фоиз бўлганлиги боис, ушбу корхона фойда солиғи бўйича 50 фоиз имтиёзга эга. Шунга асосан 2008 йил учун фойда солиғи бўйича солиқ ставкаси ушбу корхона учун 6 фоиз қилиб белгиланган. 2009 йилда экспортнинг улуши 78,71 фоиз бўлиб, 2006 йилга нисбатан 5,34 фоизга ошган.

Бу маълумотлар фойда солиғи бўйича ҳисоб-китоб тузишда фойдаланилди (4.5-жадвал).

## 4.5-жадвал

**«FARM GLASS» қўшма корxonанинг 2008-2009 йиллар  
учун фойда солиғининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

(сўм)

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Жами	
		2008	2009
Фойда солиғи тўланишигача молиявий натижа (2-сон «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» шаклининг 240-сатридан)	010	29935,5	35373
«Харажатлар таркиби тўғрисида» Низомнинг 1-иловасига кўра солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар	020	33318,5	521759

«Харажатлар таркиби тўғрисида» Низомнинг 2-иловасига асосан мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган харажатлар (9440-ҳисобварақда ҳисобга олинган харажатлар)	030		
Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар (012-балансдан ташқари ҳисобварағи бўйича маълумотлар махсус ҳисоб-китоби илова қилинмоқда)	040		
Солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар (030-сатр - 040-сатр)	050		
Акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бўйича дивидендлар (фоизлар)	060		
Солиқ солинадиган фойда (010-сатр + 020-сатр + 050-сатр + 060-сатр)	070	362 972	55972
Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайиши (имтиёзлар бўйича маълумотнома илова қилинмоқда)	080		
Имтиёзларни ҳисобга олганда солиқ солинадиган фойда (080-сатр - 090-сатр)	090	362 972	557132
Ҳисобот йилидаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган зарар ёки зарарнинг бир қисми суммаси (Жорий ҳисобот йилидаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йил (ўтган йиллар) зарари ёки зарарнинг бир қисми суммасининг ҳисоб-китоби маълумотномасининг 090-сатри)	100		
Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган фойда (100-сатр - 110-сатр)	120		
Фойда солиғининг белгиланган ставкаси	100	12 %	10%
Фойда солиғининг тузатилган ставкаси (ҳисоб-китоб илова қилинмоқда)	110	6 %	5 %
Бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси (120-сатр x 130-сатр / 100%) ёки (120-сатр x 140-сатр / 100%)	120	21778,3	27856,6
Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	160		
Муддат бўйича қўшимча ҳисоблаб ёзилди	170		
Камайтиришга	180		

Ушбу 4.5-жадвалда келтирилган ҳисоб-китобга асосан бюджетга 2008 йилда тўланадиган фойда солиғи молиявий ҳисобда куйидагича акс эттирилади:

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 9810</b>	<b>«Фойда солиғи бўйича харажатлар»</b>	<b>- 21778320 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 6410</b>	<b>«Бюджетга фойда солиғи бўйича қарзлар»</b>	<b>- 21778320 сўм</b>

2009 йил учун ҳам юқоридагидек бухгалтерия ёзувлар қилинади. Фойда солиғи бўйича имтиёз суммасига куйидаги бухгалтерия ёзуви тузилади:

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 6410</b>	<b>«Бюджетга фойда солиғи бўйича қарзлар»</b>	<b>- 21778320 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 8840</b>	<b>«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари»</b>	<b>- 21778320 сўм</b>

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган методикага асосан фойда солиғи ҳисобини ташкил этиш амалиётда ишлаётган бухгалтерлар учун қулайлик яратади.

### Назорат учун саволлар

1. Фойда деганда нимани тушунасиш?
2. Даромад таркибига кирадиган элементлар?
3. Солиққа тортиш мақсадида харажатлар таркибига нималар киреди?
4. Фойда солиғини тўловчи хўжалик юритувчи субъектларни айтинг.
5. Доимий фарқ нима?
6. Вақтинчалик фарқ нима?
7. Фойда солиғи бўйича хўжалик юритувчи субъектларга қандай имтиёзлар берилади?
8. Экспортёр корхоналарга фойда солиғи бўйича қандай имтиёзлар берилган?
9. Вақтинчалик фарқлар счётларда қандай акс эттирилади?
10. Фойда солиғи бўйича имтиёзлар счётларда қандай акс эттирилади?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иктисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3618-сонли Фармони. – Тошкент, 14.06.2005.
2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-100-сонли Қарори. – Тошкент, 15.06.2005.
3. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3620-сонли Фармони. – Тошкент 20.06.2005.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овоклатниш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сон фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. – Тошкент, 01.07.2003. № 300.
5. Гадоев Э.Ф., Югай Л.П. Экспортно-импортные операции. Том 1,2. –Ташкент: Норма, 2006, с. 416-288.
6. Иброҳимов А.К., Каримов А.А. Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 104-б.
7. Пардаев А., Костаев Акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва таҳлили. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2006. 166-б.
8. Палий В.Ф. О предмете бухгалтерского учета. // Бухгалтерский учет. – Тошкент, 2006. №5. 55-58 с.
9. Починок А. Аудит и налоговое законодательство // Аудитор. – Тошкент, 1996. №4. 3-с.
10. Соколов Я.В., Пятов М.Л. Бухгалтерский учет и налоги, что делать бухгалтеру в 2002 году // Консультант. – Тошкент, 2002. №6. 64-66 с.

## **V-MAVЗУ: АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ ШАХОБЧАЛАРИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ**

### Таянч сўзлар.

*Ёқилғи, АЁҚШ, чакана баҳо, таннарх, устама, аналитик ҳисоб, ҳисоб регистри, БҲМС, синтетик ҳисоб, ягона солиқ, яқуний молиявий натижа, дебет, кредит.*

### **5.1. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЁҚИЛҒИ ИШЛАТҒАНЛИК УЧУН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИНГ МОҲИЯТИ**

Мамлакатимизда солиқ сиёсатининг такомиллашуви натижасида баъзи бир солиқ турлари бекор қилинади, улар ўрнига такомиллашган ҳамда самара берадиган солиқ турлари жорий қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилдаги асосий микроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг истикболлари тўғрисида»ги 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига асосан 2002 йил 1 январдан бошлаб, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ олиш жорий қилинди. Бу солиқ жисмоний шахслар транспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи ўрнига киритилди.

Бу солиқ тури бошқа солиқлар қатори Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 23-моддасида қайд этилган:

#### **«23-модда. Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг турлари**

1. Ўзбекистон Республикасида ушбу моддада кўрсатилган солиқлар ва мажбурий тўловлар амал қилади.
2. Солиқларга қуйидагилар қиради:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;  
2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;  
3) қўшилган қиймат солиғи;  
4) акциз солиғи;  
5) ер ости бойликларидан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;  
7) мол-мулк солиғи;  
8) ер солиғи;  
9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

10) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

3. Мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) ягона ижтимоий тўлов;  
2) фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

3) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

4. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

1) Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;  
2) автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим;

3) хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ва унинг ҳудуди бўйлаб транзит тарзида ўтиш учун йиғим;

5. Айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;

6. Давлат божи;

7. Божхона тўловлари.

8. Ушбу Кодексадa белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқларнинг қуйидаги турлари тўланишини назарда тутувчи солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин:

1) ягона солиқ тўлови;

2) ягона ер солиғи;

3) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.



9. Солиқлар ва мажбурий тўловлар суммалари тегишли йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли бюджетларнинг ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадларига келиб тушади».<sup>142</sup>

Солиқ кодексига кўрсатилгандек, ушбу солиқни тўловчилари бўлиб, бензин, дизель ёқилғиси ва газни жисмоний шахсларга чакана сотувчи, мулк шаклидан қатъий назар, ёқилғи қуйиш шахобчалари (АЁҚШ) ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2002 йил 3 январдаги 2 ва 2002-1-сонли қарорига асосан тасдиқланган «Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлиги учун олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида»ги йўриқномага асосан жисмоний шахсларга сотилган ёқилғининг натурал ҳажми солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни жорий қилиниши солиққа тортишнинг адолатлилик ва ижтимоий ҳимоя тамойилларига асосланган.

Буни қуйидагилар билан асослаш мумкин. Бу солиқ жорий қилинмасдан олдин жисмоний шахслар транспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи тўлар эди. Бунда жисмоний шахслар транспорт воситасидан фойдаланса – фойдаланмаса белгиланган тартибда солиқ тўлаган. Энди эса, фақат транспорт воситаларидан фойдаланган жисмоний шахслар солиқ тўлайди. Бошқача айтганда, ким кўп транспортдан фойдаланса, у шунча кўп солиқ тўлайди. Бу эса солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилининг амалиётда бевосита қўлланишидан далолат беради.

Солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва барча ҳудудлар учун ягона ҳисобланади. Масалан, 2007 йил ноябрь ойида А-72, 76, 80 ва 93 бензинлари учун бир литрга 80 сўм, 2008 йил учун 100 сўм, 2010 йил учун эса 145 сўм миқдорида белгиланган.<sup>143</sup>


---

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикасининг Янги Солиқ кодекси. 23-модда.

<sup>143</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сонли қарори.

Ушбу солиқнинг моҳиятини очиш учун ёқилғиларнинг чакана баҳосининг таркибини ўрганиш ва таҳлил қилишимиз мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ёқилғилар чакана баҳосининг таркибини А-80 маркали бензин мисолида кўриб чиқамиз.

Ёқилғиларнинг чакана баҳоси ёқилғи таннархи, устама ва солиқдан таркиб топади (5.1-расм).



5.1-расм. Ёқилғилар чакана баҳосининг таркиби.

$$Чб = Т + У + С. \quad (1)$$

бу ерда, Т – таннарх, У – устама, С – солиқ

«Шохрух» хусусий корхонасида 2009 йил ноябрь ойида А-80 бензиннинг чакана баҳосининг таркиби қуйидагича бўлган:

$$Чб = Т + У + С = 558 + 72 + 80 = 710 \text{ сўм}$$

Автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида (АЁҚШ) олиб келинган ёқилғи таннархини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки таннархни тўғри ҳисоблаш, биринчидан, ёқилғи чакана баҳоси таркибини аниқлашни, иккинчидан, АЁҚШларнинг солиққа тортиладиган даромадини тўғри ҳисоблаш имкониятини беради.

Таннархни тўғри аниқлаш мақсадида олиб келинган ёқилғиларнинг аналитик ҳисобини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун олиб келинган ҳар бир партия ва марка ёқилғининг ҳисоби алоҳида юритилади, бу бевосита шу партия ёқилғини олиб келиш учун сарфланган транспорт ва бошқа харажатларни таннархга тўғри киритиш имкониятини яратади.

## 5.2. ЁҚИЛҒИЛАРНИНГ АНАЛИТИК ҲИСОБИ

Сотиб олинган ёқилгини аналитик ҳисобини олиб бориш учун қуйидаги регистрдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (5.2-жадвалга қаранг).

Шу тартибда бошқа турдаги ёқилғиларнинг ҳам аналитик ҳисобини ташкил қилиш мумкин.

Юқорида қайд этилган аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларига асосан олиб келинган ёқилғининг ҳисоб счётларида акс эттириш методикаси ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га асосан бу солиқ билан боғлиқ хўжалик операцияларини счётларда акс эттириш ташкил қилинади.

5.2-жадвал

**«Шохрух» хусусий корхонасида 2009 йил ноябрь ойида  
Чинобод нефтибазасидан олинган А-80 бензиннинг  
аналитик ҳисоб регистри**

Ой ва сана	Олинган ҳужжатнинг рақами	Литр	Тонна	Сумма (сўм)	Транспорт хизматининг суммаси (сўм)
01					
02					
03	82159	6500	4,990	3594877,84	26347,20
04					
05					
06					
07	85065	6500	4,980	3587673,67	26294,40
08	85211	6500	4,980	3587673,67	26294,40
09					
10	83426	6500	5,010	3609286,16	26452,80
11					
12					
13					
14	84082	6500	4,970	3580469,51	26241,60
15					
16					
17	85754	6500	4,990	3594877,84	26452,80

18					
19	85924	6500	5,010	3609286,16	26452,80
20					
21					
22					
23	87588	6500	4,980	3602034,00	26294,40
24					
25					
26	88028	6500	5,000	3616500,00	26400,00
27	88161	6500	4,990	3609267,00	26347,20
28					
29	87970	6500	5,000	3616500,00	26400,00
30					
<b>Жами</b>		<b>71500</b>	<b>54900</b>	<b>39608445</b>	<b>289977</b>

АЁҚШдаги ёқилғиларнинг молиявий ҳисоби 4-сонли «Товар моддий захиралари» миллий стандартига асосан олиб борилади.

### 5.3. ЁҚИЛҒИЛАРНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИ

Аналитик регистрдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ёқилғини келиб тушушини счётларда акс эттираемиз.

<b>ДЕБЕТ:</b>	счёт 2920	«Чакана савдодаги товарлар»	- 52563105 сўм
<b>КРЕДИТ:</b>	счёт 6010	«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	- 52563105 сўм

Ёқилғининг сотилишини ҳисобга олишда ҳозирги бозор иқтисодиётини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишимиз зарур. Чунки ҳозирги пайтда ёқилғи жисмоний шахсларга касса орқали нақд пулга сотилишдан ташқари терминаллар орқали пластик карточкаларга ҳам сотилмоқда.

Терминал орқали ёқилғи сотилишининг алоҳида аналитик ва синтетик ҳисобини олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ёқилғини касса ва терминал орқали сотилишини счётларда акс эттириш методикасини кўриб чиқамиз.

1. Касса орқали нақд пулга ёқилғи сотилганда (5.3-жадвал).

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 5010</b>	<b>«Миллий валютадаги пул маблағлари»</b>	<b>- 58664023 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 9020</b>	<b>«Товарларни сотишдан олинган даромад»</b>	<b>-58664023 сўм</b>

2. Касса орқали сотилган ёқилғига тегишли бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ суммасига:

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 5010</b>	<b>«Миллий валютадаги пул маблағлари»</b>	<b>- 7337012 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 6410</b>	<b>«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»</b>	<b>- 7337012 сўм</b>

3. Терминал орқали пластик карточкага сотилганда. Бу маълумотлар терминал орқали сотилган ёқилғининг аналитик регистрдан олинади. Бизнинг мисолда терминал орқали 605,35 литр бензин сотилган (5.3-жадвал).

Терминал орқали пластик карточкага сотилган ёқилғи суммасини тўғридан-тўғри банкдаги махсус счётга келиб тушушини ҳисобга олган ҳолда 5530 «Бошқа махсус счётлар» счетида акс эттирамиз.

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 5530</b>	<b>«Бошқа махсус счётлар»</b>	<b>- 452530 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 9020</b>	<b>«Товарларни сотишдан олинган даромад»</b>	<b>- 404102 сўм</b>

**солиқ суммасига (605,35x80=48428 сўм)**

<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 6410</b>	<b>«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»</b>	<b>- 48428 сўм</b>
----------------	------------------	--	--------------------

2. Сотилган ёқилғи таннархига:

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 9120</b>	<b>«Сотилган товарлар таннарахи»</b>	<b>- 52563105 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 2920</b>	<b>«Чакана савдодаги товарлар»</b>	<b>- 52563105 сўм</b>

«Шохрух» хусусий корхонасининг 2009 йил ноябрь ойида сотилган нефт маҳсулотлари  
тўғрисидаги ҳисоб регистри

Сана	А-80		АИ-91		Дизель ёқилғи		Жами		Жисмоний шахслар- дан солиқ (1 литр-80 сўм)
	Литр	Сумма	Литр	Сумма	Литр	Сумма	Литр	Сумма	
1	2089	1483190	0	0	512	371200	2601	1854390	
2	2501	1775710	0	0	435	315375	2936	2091085	
3	2314	1642940	0	0	752	545200	3066	2188140	
4	2383	1691930	0	0	151	109475	2534	1801405	
5	2146	1523660	0	0	556	403100	2702	1926760	
6	2221	1576910	0	0	645	467625	2866	2044535	
7	2501	1775710	47	36895	441	319725	2989	2132330	
8	2105	1494550	605	474925	670	485750	3380	2455225	
9	2183	1549930	739	580115	523	379175	3445	2509220	
10	1983	1407930	720	565200	283	205175	2986	2178305	
<b>1 дек.</b>	<b>22426</b>	<b>15922460</b>	<b>2111</b>	<b>1657135</b>	<b>4968</b>	<b>3601800</b>	<b>29505</b>	<b>21181395</b>	<b>2360400</b>
11	2157	1531470	678	532230	248	179800	3083	2243500	
12	1909	1355390	870	682950	718	520550	3497	2558890	
13	1976	1402960	943	740255	406	294350	3325	2437565	
14	2258	1603180	218	171130	742	537950	3218	2312260	

15	2043	1450330	0	0	383	277675	2426	1728205	
16	2693	1912030	0	0	272	197200	2965	2109230	
17	4462	3168020	0	0	392	284200	4854	3452220	
18	3172	2252120	9	7065	246	178350	3427	2437535	
19	1784	1266640	670	525950	785	569125	3239	2361715	
20	2053	1457630	510	400350	575	416875	3138	2274855	
<b>2 дек.</b>	<b>24507</b>	<b>17399970</b>	<b>3898</b>	<b>3059930</b>	<b>4767</b>	<b>3456075</b>	<b>33172</b>	<b>23915975</b>	<b>2653700</b>
21	1750	1242500	715	561275	293	212425	2758	2016200	
22	2045	1451950	752	590320	332	240700	3129	2282970	
23	1898	1347580	902	708070	219	158775	3019	2214425	
24	2355	1672050	652	511820	315	228375	3322	2412245	
25	2700	1917000	276	216660	67	48575	3043	2182235	
26	3074	2182540	241	189185	351	254475	3666	2626200	
27	2467	1751570	0	0	519	376275	2986	2127845	
28	2224	1579040	0	0	189	137025	2413	1716065	
29	2185	1551350	0	0	478	346550	2663	1897900	
30	2356	1672760	0	0	286	207350	2642	1880110	
<b>3 дек.</b>	<b>23054</b>	<b>16368340</b>	<b>3538</b>	<b>2777330</b>	<b>3049</b>	<b>2210525</b>	<b>29641</b>	<b>21356195</b>	<b>2371280</b>
<b>Жами</b>	<b>69987</b>	<b>49690770</b>	<b>9547</b>	<b>7494395</b>	<b>12784</b>	<b>9268400</b>	<b>92318</b>	<b>66453565</b>	<b>7385440</b>

**«Шохрух» хусусий корхонасида ёқилгиларни  
терминал орқали сотишнинг аналитик регистри  
2009 йил ноябрь ойи**

Сана	Сотилган бензин (литр)	Сотилган бензин суммаси	Шундан солиқ суммаси	Терминал орқали сотилган бензин суммаси банкдаги махсус сўёт келиб тушуши
1	0	0	0	0
2	10	7100	800	0
3	20	14200	1600	0
4	0	0	0	0
5	0	0	0	0
6	10	7100	800	28400
7	10	7100	800	0
8	10	7100	800	0
9	0	0	0	0
10	0	0	0	0
<b>1 дек.</b>	<b>60</b>	<b>42600</b>	<b>4800</b>	<b>28400</b>
11	46,9	33300	3752	0
12	5	3550	400	0
13	25	17750	2000	0
14	56	39760	4480	97910
15	5	3600	400	0
16	20	14200	1600	28450
17	0	0	0	0
18	30	21300	2400	24850
19	0	0	0	0
20	20	14200	1600	0
<b>2 дек.</b>	<b>208</b>	<b>147660</b>	<b>16640</b>	<b>151210</b>
21	0	0	0	0
22	0	0	0	0
23	200,45	157350	16036	0
24	112	87170	8960	0
25	0	0	0	0
26	0	0	0	0
27	25	17750	2000	0
28	0	0	0	0



29	0	0	0	0
30	0	0	0	272740
3 дек.	337,45	262270	26996	272740
Жами	605,35	452530	48428	452530

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда АЁҚШнинг молиявий натижасини аниқлаймиз.

5. Молиявий натижани аниқлаш:

а) сотишдан олинган даромад

<b>ДЕБЕТ:</b>	счёт 9020	«Товарларни сотишдан олинган даромад»	- 59068125 сўм
<b>КРЕДИТ:</b>	счёт 9910	«Яқуний молиявий натижа»	- 59068125 сўм

б) сотилган ёқилғи таннархи суммасига

<b>ДЕБЕТ:</b>	счёт 9910	«Яқуний молиявий натижа»	- 52563105 сўм
<b>КРЕДИТ:</b>	счёт 9120	«Сотилган товарлар таннарахи»	- 52563105 сўм

#### 5.4. АЁҚШЛАРДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ

Аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларига асосан «Шоҳрух» хусусий корхонаси томонидан тўланадиган ягона солиқ жамини ҳисоблаймиз.

Мазкур хўжалик юритувчи субъект 2009 йил учун ягона солиқни ялпи даромаддан 3 фоиз ставкада тўлаган (5.5-жадвалга қаранг).

3.10-жадвалдаги маълумотлар асосида ҳисобланган ягона солиқ суммасини счётларда акс эттириш методикасини кўриб чиқамиз.

6. Ягона солиқ сумма ҳисобланганда:

<b>ДЕБЕТ:</b>	счёт 9810	«Даромад солиғи бўйича харажатлар»	- 1770686 сўм
<b>КРЕДИТ:</b>	счёт 6411	«Бюджетга даромад солиғи бўйича қарз»	- 1770686 сўм

**«Шоҳрух» хусусий корхонасида 2009 йил учун ялпи даромаддан солиқни ҳисоб-китоб регистри**

(сўм)

Ойлар	Солиққа тортиладиган база			Плас-тик карточкага со-тилган ёқилги	Со-лиқ став-каси, %	Солиқ суммаси
	Сотишдан олинган даромад	Бошқа даромад-лар	Ялпи даромад			
Январь	32606970	0	32606970		3 %	978209
Февраль	29584135	75000	29659135		3 %	889774
Март	44540120	2906641	47446761		3 %	1423403
<b>I квартал</b>	<b>106731225</b>	<b>2981641</b>	<b>109712866</b>		<b>Ххх</b>	<b>3291386</b>
Апрель	45038320	0	45038320		3 %	1351150
Май	62075100	0	62075100		3 %	1862253
Июнь	77231520	0	77231520		3 %	2316946
<b>II квартал</b>	<b>184344940</b>	<b>0</b>	<b>184344940</b>		<b>3 %</b>	<b>5530348</b>
<b>I-ярим йиллик</b>	<b>291076165</b>	<b>2981641</b>	<b>294057806</b>		<b>ххх</b>	<b>8821734</b>
Июль	66360300	0	66360300		3 %	1990809
Август	74016690	0	74016690		3 %	2220501
Сентябрь	54621855	0	54621855		3 %	1638656
<b>III квартал</b>	<b>194998845</b>	<b>0</b>	<b>194998845</b>		<b>ххх</b>	<b>5849965</b>
<b>9 ой учун</b>	<b>486075010</b>	<b>2981641</b>	<b>489056651</b>		<b>ххх</b>	<b>14671700</b>
Октябрь	58571280	0	58571280	553465	3 %	1755478
Ноябрь	59068125	0	59068125	452530	3 %	1770686
Декабрь	51508620		515086200		3 %	15441220
<b>IV квартал</b>	<b>169148025</b>	<b>0</b>	<b>169148025</b>		<b>3 %</b>	<b>507097</b>
<b>2009 йил учун</b>	<b>655223035</b>	<b>2981640,5</b>	<b>658204675,5</b>		<b>ххх</b>	<b>19741785</b>

7. Ҳисобот даври охирида ҳисобланган ялпи даромад солиғи суммаси молиявий натижалар счётига ўтказилади:

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 9910</b>	<b>«Якуний молиявий натижа»</b>	<b>- 1770686 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 9810</b>	<b>«Даромад солиғи бўйича харажатлар»</b>	<b>- 1770686 сўм</b>

8. Ҳисобланган солиқлар суммасини белгиланган муддатларда бюджетга тўланади:

<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 6410</b>	<b>«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»</b>	<b>- 7385440 сўм</b>
<b>ДЕБЕТ:</b>	<b>счёт 6411</b>	<b>«Бюджетга даромад солиғи бўйича қарз»</b>	<b>- 1770686 сўм</b>
<b>КРЕДИТ:</b>	<b>счёт 5110</b>	<b>«Ҳисоб-китоб счёти»</b>	<b>- 9156126 сўм</b>

Юқорида счётларда акс эттирилган маълумотларга асосан АЁҚШ хўжалик субъектининг якуний молиявий натижасини осон аниқлашимиз мумкин. Бунинг учун 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағида акс эттирилган суммаларини таққослашимиз керак (5.5-жадвал). Бошқача қилиб айтганда, 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг Дебет ва Кредит томонидаги суммалар солиштирилади.

**9910 счёт**  
**«Якуний молиявий натижа»**

<b>9120) 52563105</b>	<b>9020) 59068125</b>
<b>9810) 1770686</b>	
<b>06-54333791</b>	<b>06-59068125</b>
	<b>С-до 4734334</b>

9910 «Якуний молиявий натижа» счётида акс эттирилган маълумотларга асослашиб «Шохрух» хусусий корхонаси 2009 йил ноябрь ойида сотиш билан боғлиқ фаолиятини 4734334 сўм фойда билан яқунлаган.

Хўжалик операцияларини бу методика бўйича аналитик счёт регистрлари ва синтетик счётларда акс эттириш жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблашни осонлаштиради. Шунингдек, бу методика АЁҚШлар томонидан тўланадиган ялли тушумдан тўланадиган солиқнинг солиққа тортиш базасини тўғри ва аниқ ҳисоблаш имкониятини яратади.

5.5-жадвал  
 «Шоҳрух» хуусий корхонасининг 2009 йил январь-декабрь ойларидаги асосий кўрсаткичлари

Ойлар	Товар-айланма	Шу жумладан жисмоний шахслардан солиқ	Товарайланма солиқ чегирилгандан кейин	Солиққа тортилган база		
				Сотилган олинган даромад	Бошқа даромадлар	Ялпи даромад
Январь	36921910	4314940	32606970	32606970	0	32606970
Февраль	33500355	3916220	29584135	29584135	75000	29659135
Март	50375250	5835130	44540120	44540120	2906641	47446761
I квартал	120797515	14066290	106731225	106731225	2981641	109712866
Апрель	50932040	5893720	45038320	45038320	0	45038320
Май	70231190	8156190	62075000	62075100	0	62075100
Июнь	87370040	10138520	77231520	77231520	0	77231520
II квартал	208533270	24188430	184344840	184344940	0	184344940
I-ярим йиллик	329330785	38254720	291076065	291076165	2981641	294057806
Июль	76351580	9991280	66360300	66360300	0	66360300
Август	83171730	9155040	74016690	74016690	0	74016690
Сентябрь	61441615	6819760	54621855	54621855	0	54621855
III квартал	220964925	25966080	194998845	194998845	0	194998845
9 ой учун	550295710	64220800	486074910	486075010	2981641	489056651
Октябрь	65830880	7259600	58571280	58571280	0	58571280
Ноябрь	66453565	7385440	59068125	59068125	0	59068125
Декабрь	58034940	6526320	51508620	51508620	-	51508620
IV квартал	190319385	21171360	169148025	169148025	0	169148025
2009 йил учун	740615095	85392160	655223035	655223035	2981640,5	6582044676

## Назорат учун саволлар

1. Солик турларини айтиб беринг.
2. Мажбурий тўловларга нималар киради?
3. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига ёқилги ишлатганлиги учун солиқни қайси хўжалик юритувчи субъектлар тўлайди?
4. Ёқилгилар бўйича чакана баҳо қандай аниқланади?
5. Бензиннинг аналитик ҳисобини юритиш тартибини айтинг.
6. АЁҚШ.ларда ёқилгининг синтетик ҳисобини юритиш тартиби қандай?
7. АЁҚШ.ларда ёқилги солиғини счётларда қандай акс эттирилади?
8. АЁҚШ.ларда якуний молиявий натижа қандай аниқланади ва счётларда акс эттириш тартиби.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3620-сонли Фармони. – Тошкент 20.06.2005.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий оқватланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сон фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. – Тошкент, 01.07.2003. № 300.
3. Гадов Э.Ф., Югай Л.П. Экспортно-импортные операции. Том 1,2. –Ташкент: Норма, 2006, с. 416-288.
4. Иброхимов А.К., Каримов А.А. Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 104-б.
5. Пардаев А., Костаев Акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва таҳлили. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2006. 166-б.
6. Палий В.Ф. О предмете бухгалтерского учета. // Бухгалтерский учет. – Тошкент, 2006. №5. 55-58 с.
7. Починок А. Аудит и налоговое законодательство // Аудитор. – Тошкент, 1996. №4. 3-с.
8. Соколов Я.В., Пятов М.Л. Бухгалтерский учет и налоги, что делать бухгалтеру в 2002 году // Консультант. – Тошкент, 2002. №6. 64-66 с.

## VI-МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТИ

### Таянч иборалар:

*Ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисобот, солиқ ҳисоботи, солиқ элементлари, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи, резидент, нотижорат ташкилотлари, солиқ солинадиган база, солиқ даври, белгиланган ставка, солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, қатъий белгиланган солиқ, ялпи тушум, юридик шахс.*

Солиқ тўловчилар конун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тузиши лозим.

**Солиқ Кодексининг 32-моддасидан**

## ИҚТИСОДИЁТДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Республикамизда мустақилликка эришилгандан кейин жаҳон стандартларига мос демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида барча соҳаларда ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний – ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислоҳ қилиш ҳисобига иқтисодиёт негизини яратиш масаласи устивор йўналиш сифатида қабул қилинди. Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишдек энг масъулиятли вазифани ўз олдига қўйди.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби ишларини тўғри ташкил қилиш ғоят муҳим

аҳамият касб этади. Корхона ва ташилотларда бухгалтерия ҳисоби содир бўлаётган ҳўжалик жараёни ҳамда муомалаларини кузатиб ва қайд этиб қолмасдан, ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, режалаштириш, назорат қилиш ва иқтисодийни бошқариш ишида асосий вазифаларни бажаради. Шу боисдан ҳам ҳисоб ишларини ташкил қилиш масалаларига қўпроқ эътибор қаратилади.

Ўтган йиллар мобайнида иқтисодий ва сиёсий соҳаларда бир қатор ютуқларга эришилди. Иқтисодий тубдан ўзгарди ва давлат мулки хусусийлаштирилиши натижасида минглаб мустақил корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари, суғурта компаниялари, фирмалар ташкил топди. Мамлакатда қимматли қоғозлар бозори вужудга келди. Энг асосийси – мамлакатда иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришилди. Бундай ютуқларга эришишда давлатнинг молиявий маблағлари муҳим аҳамият касб этади. Давлатнинг барча йўналишдаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молиявий маблағлар манбаи бу солиқлар ва мажбурий тўловлардир. Шунингдек солиқлар ва мажбурий тўловлар республика бюджетининг иқтисодий бошқаришдаги роли жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у давлат солиқ сиёсати орқали амалга оширилади.

Мамлакатимизда солиқларни бухгалтерияда ҳисобга олиш «Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари» да белгиланган тамойиллар асосида ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида олиб борилади.

Солиқлар ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш, бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш, солиқ солиш бўйича амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ тўловчи ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслар зиммасига юклатилган. Лекин қонунчилик солиқ тўловчиларни солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар суммалари тўланмаган ёхуд бутунлай тўланмаганликка олиб келган хатоларни солиқ текширувидан олдин аниқлаган, бухгалтерия ҳисобида ҳамда солиқлар ва тўловлар бўйича ҳисоб-китобларга тузатишлар киритган тақдирда уларни жазодан озод этишни назарда тутди. Демак, юридик шахслар томонидан ҳисобланган солиқлар ва уларни бюджетга ўтказиш, амалга оширилган харажатлар, бухгалтерияда аниқ ва тўғри ҳисобга олиш солиқ тўловчилар мажбурияти бўлиб қолмас-

дан, балки бундан уларни манфаатдорлигини ҳам келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилиб борилиб, ислохотларни амалга ошириш истиқболлари ҳам белгилаб борилади.

Шу сабабли солиқларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш қорхонанинг катта миқдорда жарималар тўлашнинг олдини олишни, давлатга эса белгиланган тушумларни ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлайди.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобини олиб боришда, солиқларни ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида бюджетга туширилишини назорат қилишда ва тартибга солишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

б) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Жиноят, Солиқ кодексларининг тааллуқли моддалари.

в) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни.

г) Республикамиз Президенти Фармонлари, Қарорлари.

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

е) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг йўриқномалари, тартиблари, тушунтиришлари.

ж) Бошқа амалдаги Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган меъёрий – идоравий ҳужжатлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради. Бу мақсадга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботига асос бўладиган концепциялар ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига энг кам миқдордаги талаблар кўзда тутилган. Айрим операциялар ва воқеаларни акс эттириш, уларни ўлчаш ва очиб бериш учун батафсил талаблар бошқа бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларда баён қилинади.



Молиявий ҳисобот ҳисоб сиёсатида акс эттирилган усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ҳамда асосларига мувофиқ равишда тузилади.

Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг жамланган гуруҳига киришидан қатъий назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолияти-ни кўрсатувчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, унинг фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ҳамда пул маблағларининг ҳаракати ҳақида иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчилар кенг доирасига зарур бўлган ахборотни тақдим этиш молиявий ҳисоботлар мақсади ҳисобланади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан ресурсларни бошқариш натижаларини кўрсатади. Стандарт мақсадига эришиш учун молиявий ҳисоботларда улардан фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати истиқболини белгилашда, хусусан пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари шаклланиши муддатлари ҳамда эҳтимоллигини белгилашда ёрдам берадиган қуйидаги ахборотлар бўлиши керак:

1. Хўжалик юритувчи субъект назорати остидаги активлар тўғрисида (нақд пул маблағи тушумларининг ёки бошқа иқтисодий манфаатларнинг манбаи бўлган активлар тўғрисида);

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг (пул маблағларининг эҳтимол тутилган камайиши ёки бошқа иқтисодий манфаат манбалари бўлган) мажбуриятлари тўғрисида;

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ресурсларига (субъект эгаларининг бадаллари ва мулк эгаларига тўловлардан ташқари) ўзгартириш киритадиган тақсимланмаган фойда тўғрисида;

4. Пул маблағининг ҳаракати тўғрисида (келгусида пул оқимларининг эҳтимол тутилган ҳаракати кўрсаткичлари сифатида).

Бундан ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг дивидендлар ва фоизларни тўлаш, шунингдек мажбуриятлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини баҳолаш учун молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун зарур бўлади.

## 6.2. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ

Солиқ тизимининг ҳуқуқий базасини яъни солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳар йили, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Президентимиз ва Ҳукуматимиз қарорлари қабул қилиб келинмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100 сонли қарори ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек кўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинганлиги ҳозирда амалиётда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ушбу қарорда кўрсатилганидек 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишни ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда тақдим этишга ўтказилди.

Бунда солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги муддатлари сақлаб қолинди.

Эндиликда ушбу ҳисоботларни тақдим этиш чоракда 3 маротабага қисқарди. Масалан, ушбу Фармонга қадар кичик бизнес субъекти савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи ялпи даромад солиғи (ҳозирда бекор қилинган) тўловчи корхоналари солиқ органларига чоракда жами 13 та ҳисоб-китоб топширар эди. Мазкур Фармондан сўнг эса ушбу корхона солиқ органига чоракда жами 5 та ҳисоб-китоб топширади холос.

Тадбиркорлик субъектларидан давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга ҳисобот қабул қилиш вақтида кўшимча

равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмаслиги ва қўшимча ҳужжат талаб қилганлиги учун шахсан жавобгар бўлишлиги тўғрисида огоҳлантирилди ҳамда тадбиркорлик субъектларига етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрни суд қарорига биноан айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопланиши кўрсатилди.

Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларни мулкчиликнинг барча шакллариغا мансуб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра юридик шахс ҳисобланган корхона ва ташкилотлар, шунингдек мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган, солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланадиган алоҳида бўлинмалар ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган тартибига ҳамда муддатларига қатъий риоя этилган ҳолда солиқ органларига, таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга, давлат статистика органларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга тақдим этилади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги ҳисоботларнинг умумий шаклларида иборат бўлади.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) ё бухгалтерия баланси - 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл;
- в) асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот - 3-сон шакл;
- г) пул оқимлари тўғрисида ҳисобот - 4-сон шакл;
- д) ўз сармояси тўғрисида ҳисобот - 5-сон шакл;
- е) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома - 2а-сон шакл.

Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси - 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл;
- в) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома - 2а-сон шакл.

Кичик корхона ва микрофирмалар фақат бухгалтерия баланси - 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома - 2а-сон шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.

### **6.3. СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ**

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек, ана шу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, ставка, ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври ва тўлаш тартиби кабилар билан бир қаторда солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементларидан бири ҳисобланиб, солиқ тўловчи Солиқ Кодексида белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши билан бир қаторда молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишлари шарт.

Солиқ ҳисоботи - солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек, ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 21 январда №1760-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг (29.12.2007 йил) №111-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг (29.12.2007 йил)

№2007-66 сонли Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори (2008 йил 31 январдан кучга кирган) билан тасдиқланган ҳисобот шакллари амал қилмоқда.

Солиқ ҳисоботи қоғозда ва (ёки) электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан имзоланиши керак, шунингдек, агар у юридик шахс бўлса, унинг муҳри билан тасдиқланади. Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Юридик шахс – солиқ тўловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда ҳар бир қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган солиқ тўловчига солиқ даври бошланганидан эътиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга қадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёхуд оралиқ тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади. Мазкур ҳисобот топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёки оралиқ тугатиш баланси тасдиқланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тақдим этилади. Тугатилаётган юридик шахслар солиқ ҳисоботи билан бир вақтда режадан ташқари солиқ текшируви ўтказилиши ҳақида ариза тақдим этадилар. Ушбу қисмининг қоидалари қайта ўзгартириш, шунингдек, бошқа юридик шахсни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юклатилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан Солиқ Кодексида белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Айрим турдаги солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи ҳам Солиқ Кодексида назарда тутилган ҳолларда объектлар бўйича ҳисобга қўйилган жой бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўз хоҳишларига кўра қуйидагича тақдим этишга ҳақли:

шахсан олиб бориб бериш тартибида;

почта орқали буюртма хат билан;

телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида.

Солиқ ҳисоботини давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш санаси қуйидагилардир:

солиқ ҳисоботи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этилганда – солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилиб олинган сана;

солиқ ҳисоботи почта орқали тақдим этилганда – алоқа ташкилотининг тамғасида кўрсатилган, почта жўнатмаси жўнатилган сана;

солиқ ҳисоботи электрон ҳужжат тарзида тақдим этилганда – электрон ҳужжат давлат солиқ хизмати органи томонидан олинган сана.

Давлат солиқ хизмати органи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этиладиган солиқ ҳисоботини қабул қилиб олишни рад этишга ҳақли эмас ҳамда солиқ тўловчининг талабига биноан солиқ ҳисоботининг нусхасига ҳисобот қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйиши шарт.

Солиқ ҳисоботи телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида қабул қилиб олинганда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига электрон тарзидаги ҳисобот қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юбориши шарт.

Солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади.

Солиқ ҳисоботи қуйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган деб ҳисобланади, агар унда:

солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса;

солиқ даври ва (ёки) солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган бўлса;

Солиқ Кодексининг солиқ ҳисоботини тузишга доир белгиланган талаблари бузилган бўлса.

Белгиланмаган шаклдаги солиқ ҳисоботи тақдим этилганда давлат солиқ хизмати органи ҳисобот олинган кундан эътиборан уч кун ичида бу ҳақда солиқ тўловчига ёзма билдириш юборади ва аниқ фикр-мулоҳазаларни кўрсатган ҳолда уни маромига етказиш учун қайтаради.

Камчиликлари тузатилган солиқ ҳисоботи уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугагунига қадар тақдим этилган

тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

Давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи тақдим этилган даврга тааллуқли хатоларни ўзи мустақил равишда аниқлаган солиқ тўловчи Солиқ Кодексида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ичида ўша давр юзасидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботида илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги маълумотлар, аниқлаштирилган маълумотлар ва улардаги тафовутлар кўрсатилиши керак.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан ортиқ бўлса, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларига пеня ҳисобланган ҳолда мазкур тафовут кўшилади.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар суммасидан кам бўлса, солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан шахсий варақада солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси тафовут миқдорига камайтирилганлиги акс эттирилади. Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеняларнинг ортиқча тўланган суммаси Солиқ Кодексида белгиланган тартибда ҳисобга олинади ёки қайтарилади.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсга ва солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик – муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида, бироқ белгиланган тўлов муддатида тўланиши лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумманинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

#### **6.4. ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан тўланадиган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан бирга соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқлар ҳам амал қилади.

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби деганда** – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек, улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби тушунилади.

Солиқ Кодексида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

ягона солиқ тўлови;

ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Ягона солиқ тўлови тўловчилар қуйидагилардир:

1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно;

2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:

савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;

лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиларига.



Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради.

Бунда:

ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек, унитар (шўъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади;

юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига тўғри келадиган ишчилар сонининг мезони қабул қилинади.

Соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчилар учун солиқ солиш объекти ялпи тушум ҳисобланади, солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солигини чегириган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум тушунилади.

Солиқ Кодексининг 355-моддасига мувофиқ чегиридалар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда айрим ҳолларда ялпи тушумга тузатишлар киритишга тўғри келади. Солиқ тўловчида ялпи тушумга тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;
- 3) баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан фойдаланганда;
- 4) бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда календарь йил солиқ даври, йил чорағи эса ҳисобот даври ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтирадilar.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ортиб борувчи яқун билан:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган корхоналар томонидан – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган тушум солиқ тўловчининг ялпи тушумига тўлиқ миқдорда қўшилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳисобга олинади.

Тўлов хабарномаси, чет давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки чет элда солиқ тўланганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжат чет элда тўланган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил  
22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига 9-1-ИЛОВА**

**Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун  
(савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари)  
ягона солиқ тўлови  
СТАВКАЛАРИ**

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхона-лари, 2-6-бандларда кўрсатиб ўтилганлари бундан мустасно	7*
2.	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
3.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий фаолияти бўйича, ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
4.	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5.	Тайёрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топширик ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33**
6.	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
7.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон	

	Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларидан ташқари) экспортнинг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан катъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги микдорларни ташкил этадиган корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгачани	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ фоизни	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
8.	Маиший хизматлар соҳаси корхоналари учун пластик карталарни қўллаган ҳолда ҳақи тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

*\*) Мол-мулкни молиявий ижара (лизинг)га бераётган корхоналар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;*

*\*\*) Ҳақ (ялти даромад) суммасига нисбатан фоизларда.*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига 9-2-ИЛОВА

### Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг СТАВКАЛАРИ

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкаси, % да
I.	Умумий овқатланиш корхоналари улардан:	10
	умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юргларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8

2.	Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари):	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда жойлашган	1
3.	Улгуржи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)*	5
4.	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда жойлашган	1
5.	1, 2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари), пластик карталарни қўллаган ҳолда ҳақи тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига 9-3-ИЛОВА**

**Айрим турдаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови  
СТАВКАЛАРИ**

№	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида)	33
2.	Хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар	50

СТИР

варак

## Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	шу жумладан, ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варак)					
			асосий фаолият тури - 1	2	3	4	5	6
Товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан соф тушум	010							
Фаолият турлари бўйича тушумнинг товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан жами тушумдаги салмоғи, % да	020	100						
Бошқа даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 1-иловасининг 010-сатри)	030			X	X	X	X	X
Солиққа тортиладиган ялпи тушум (010-сатр + 030-сатр)	040							
Имтиёзлар жами (0501-сатр + 0502-сатр)	050							
шу жумладан:								
солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 2-иловасининг 010-сатри)	0501			X	X	X	X	X
солиқ солинадиган ялпи тушумни камайтириш (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 3-иловасининг 010-сатри)	0502							
Солиққа солинадиган база жами (040-сатр 050-сатр)	060							
шу жумладан, ҳисобланган:								

пластик карточкалар қўлланиб кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган тушумдан (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 5-иловасининг 030-сатри х 060-сатр)	0601								
0601-сатр бўйича олинган тушум чегирилган ҳолдаги тушумдан (060-сатр 0601-сатр)	0602								

СТИР

0  3

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	шу жумладан, ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варак)					
			асосий фаолият тури - 1	2	3	4	5	6
Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси	070	X						
Ягона солиқ тўловининг тузатилган ставкаси:	080	X						
экспорт қилувчи корхоналар учун экспорт улушига нисбатан, % да (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 6-иловасининг 060-сатри)	0801	X						
хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карточкалар қўлланиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган тушумга нисбатан, % да [0801-сатр (0801-сатр х 10%)]	0802	X						

Ягона солиқ тўлови суммаси жами (0901-сатр + 0902-сатр)	090								
шу жумладан, ҳисобланган:									
0601-сатрда кўрсатилган тушумдан (0601-сатр x 0802-сатр)	0901								
0602-сатрда кўрсатилган тушумдан (0602-сатр x 0801-сатр)	0902								
Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси (Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 030-сатри)	100		X	X	X	X	X	X	X
Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси (100-сатр, бироқ 090-сатр x 50 фоиздан кўп эмас)	110		X	X	X	X	X	X	X
Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси (090-сатр 110-сатр)	120		X	X	X	X	X	X	X

## 6.5. ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрь ПФ – 2086 сонли Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрь 539 – сонли Қарорига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, унда ягона ер солиғи тўловчилари бўлган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджет билан ҳисоблашиш механизми келтирилган. Ҳозирги кунда янги тахрирдаги солиқ Кодексига асосан амалга оширилмоқда. Бунга кўра ягона ер солиғи тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар:

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.



Қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва мазкур ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига оловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солиғи тўловчилар бўладилар.

Қуйидагиларга ягона ер солиғи тўловчилари сифатида қаралмайди:

ўрмон ва овчилик хўжаликлари;

юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан тузилган деҳқон хўжаликлари.

Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлашда Солиқ Кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Солиқ Кодексининг 350-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинган микрофирмалар ва кичик корхоналар фаолиятнинг бошқа турлари бўйича корхоналарнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови тўлаши мумкин. Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши керак.

**Ягона ер солиғи бўйича Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объектидир, солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизнинг барча вилоятларида ерни норматив қиймати бўйича ягона ер солиғига тортиш амалга оширилмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорининг 20 - иловасига мувофиқ ушбу солиқ турига ставка 5 фоиз қилиб белгиланган.**

Солиқ кодексига асосан ушбу солиқ тури бўйича ҳам календарь йил солиқ даври ҳисобланади. Солиқ суммаси солиқ солинадиган базага қараб ягона ер солиғи ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (туғатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат

солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

- ҳисобот йилининг 1 июлигача – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;
- ҳисобот йилининг 1 сентябригача – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;
- ҳисобот йилининг 1 декабригача – солиқнинг қолган суммаси.

СТИР 

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

варак 

0	3
---	---

**Жорий солиқ даврининг 1 январдаги ҳолати бўйича  
ягона ер солиғи  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Майдон, га	Ернинг норматив қиймати, минг сўм.		Сумма
			1 га учун	жамин ер майдони учун (3-устун х 4-устун)	
1	2	3	4	5	6
Жами ер майдони, шу жумладан:	010				x
Экин ерлар:	011				x
суғориладиган	0111				x
лалми	0112				x
Боғлар:	012				x
суғориладиган	0121				x
лалми	0122				x
Узумзорлар:	013				x

суғориладиган	0131				x
лалми	0132				x
Бошқа кўп йиллик дарахтзорлар:	014				x
суғориладиган	0141				x
лалми	0142				x
Бўз ерлар:	015				x
суғориладиган	0151				x
лалми	0152				x
Пичанзор ва яйловлар:	016				x
суғориладиган	0161				x
суғорилмайдиган	0162				x
Ижтимоий иморатлар ва ховлилар	017				x
Жами солиқ солинмайдиган ерлар - <i>мазкур Ҳисоб-китоб иловасининг 010-стари</i>	020				x
Солиқ солинадиган база (010-сатр 020-сатр)	030				x

СТИР

варак  0  4

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Майдон, га	Ернинг норматив қиймати, минг сум.		Сумма
			1 га учун	1 га учун майдон учун (3-устун х 4-устун)	
1	2	3	4	5	6
Ягона ер солиғи учун белгиланган ставкаси, %	040	x	x	x	
Солиқ даври учун тўланадиган солиқ суммаси, шу жумладан, тўлаш муддатлари бўйича: (5-устун 030-сатр х 040-сатр)	050	x	x	x	

1 июлгача (20%)	0501	х	х	х	
1 сентябргача (30%)	0502	х	х	х	
1 декабргача (солиқнинг қолган миқдори)	0503	х	х	х	

*Изоҳ: Фермер хўжаликлари жами солиқ суммасидан 97,5% Давлат бюджетига ва 2,5% - Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамгармасига тўлайдилар.*

Раҳбар

\_\_\_\_\_ (имзо)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў.

### Назорат учун саволлар

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилари кимлар?
2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг солиқ солиш объекти нима?
3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи солиққа тортиш базаси қандай аниқланади?
4. Юридик шахсларнинг жами даромади таркиби нималардан иборат?
5. Бошқа даромадларга таркибига қандай даромадлар киради?
6. Фойда солиғи бўйича аванс тўловларини амалга ошириш муддати қандай?
7. Фойда солиғи бўйича ҳисоб китобларни тақдим этиш муддати қандай?
8. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби деганда нима тушунилади?
9. Ягона солиқ тўлови тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланади?
10. Ягона солиқ тўлови кимларга тадбиқ этилмайди?
11. Ягона солиқ тўловининг солиқ солиш базаси қандай аниқланади?

12. Қандай ҳолатларда ялпи тушумга тузатишлар киритилади?
13. Ягона солиқ тўловининг ҳисоб китоби қандай амалга оширилади?
14. Ягона ер солиғи тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланади?
15. Ягона ер солиғи тўловчилари қандай ҳолатда алоҳида ҳисоб юритиши шарт бўлади?
16. Ягона ер солиғининг солиқ солиш базаси нима ва ушбу солиқ қандай ҳисоблаб чиқарилади?
17. Ягона ер солиғи бўйича ҳисоб китобларни тақдим этиш тартиби қандай?
18. Иқтисодиётда бухгалтерия ҳисобининг ўрни қандай?
19. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
20. Ҳисоб сиёсати деганда нимани тушунилади?
21. Молиявий ҳисоботда қандай маълумотлар акс эттирилади?
22. Чораклик молиявий ҳисобот қандай шакллардан иборат?
23. Йиллик молиявий ҳисобот қандай шакллардан иборат?
24. Молиявий ҳисобот кимларга тақдим этилади?
25. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштиришга оид Президент қарори қачон қабул қилинди ва унинг мазмуни қандай?
26. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинди?
27. Солиқ элементлари нималардан иборат?
28. Солиқ ҳисоботи деганда нимани тушунасиз?
29. Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи қачон тузилади?
30. Солиқ ҳисоботларини қандай кўринишда тақдим этилади?
31. Солиқ ҳисоботини давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш муддатлари қандай?
32. Қандай ҳолларда солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган деб ҳисобланади?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2005 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. // «Халқ сўзи», 29 август 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, 200 йил 14 декабр. // «Солиқлар ва божхона хабарлари». 2001 йил. № 2.

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (ЎЗР 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган. ЎЗР 29.12.2008 й. ЎРҚ-196-сон Қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан. – Тошкент.: «Адолат», 2008 йил

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 1245-сонли Қарори, 2009 йил 22 декабр.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т. «Ўзбекистон», 2009.

7. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Туркистон» газетаси, 2009 йил 14 феврал.

8. Завалишина И.А Солиқлар: назария ва амалиёт. / «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2005 йил.

*Интернет сайтлари:*

[http: www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: www.nalog.uz](http://www.nalog.uz)

[http: www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[http: www.bir.uz](http://www.bir.uz)

# ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. РАСМИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### 1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси» (1995 йил 21 декабрь). Тошкент: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004, 344-б.

2. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 30.08.1996.

3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 24.04.1996.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент 24.12.1998.

5. Аудиторлик фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, (янги таҳрир). – Тошкент, 25.05.2000.

6. Ташки иктисодий фаолият тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 25.05.2000.

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Тошкент. Ўзбекистон, 2003. 40-б.

8. Банкротлик тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, (янги таҳрири). 24.04.2003.

9. Мулкчилик тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 07.05.2003.

10. Хусусий корхоналар тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 11.12.2003.

11. Валютани тартибга солиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, (янги таҳрир). – Тошкент, 11.12.2003.

12. Солиқ маслаҳати тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-55. – Тошкент, 21.09.2006.

13. Аудиторлик фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-110. – Тошкент, 17.09.2007.

14. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига ва «Бож таърифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-112. – Тошкент, 19.09.2007.

15. Солиқ Кодексини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-136 – Тошкент, 25.12.2007.



16. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Тошкент: Адолат, 2008. 692-б.

## **1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари**

17. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3618-сонли Фармони. – Тошкент, 14.06.2005.

18. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3619-сонли Фармони. – Тошкент, 14.06.2005.

19. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-100-сонли Қарори. – Тошкент, 15.06.2005.

20. Микрофирмалар ва кичик қорхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3620-сонли Фармони. – Тошкент 20.06.2005.

21. Тадбиркорлик субъектларининг хўжалиқ соҳасидаги ҳуқуқ-бузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3622-сонли Фармони. – Тошкент, 24.06.2005.

22. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3594-сонли Фармони. – Тошкент, 11.04.2005.

23. Жиноят йўли билан топилган даромадларни легаллаштириш, молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-331-сонли Қарори. – Тошкент, 21.04.2006.

24. Текстил саноати қорхоналарининг молиявий аҳволини соғломлаштириш ва уларга пахта толасини сотиш механизмини такомиллаштириш чоралари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-330-сонли Қарори. – Тошкент, 21.04.2006.

25. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-615-сонли Қарори. – Тошкент 04.04.2007.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 1245-сонли Қарори, 2009 йил 22 декабр.

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

27. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент, 26.03.2002. № 97.

28. Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 12.07.2002. № 247.

29. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент, 12.07.2002. № 248.

30. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида. – Тошкент, 12.07.2002. № 249.

31. Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 13.11.2002. № 390

32. Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент, 04.02.2003. № 62.

33. Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 04.02.2003. № 63.

34. Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатда тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар қилиш ҳақида. – Тошкент, 12.03.2003. № 133.

35. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий химоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент, 02.05.2003. № 205.

36. Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 11.06.2003. № 260.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий оватланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сон фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. – Тошкент, 01.07.2003. № 300.

38. Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 30.09.2003. №416.

39. Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. – Тошкент, 15.10.2003. № 444.

40. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий кўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент, 24.12.2003. № 563.

41. Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 25.02.2004. № 86.

42. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. – Тошкент, 25.03.2004. № 140.

43. Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 07.06.2004. № 263.

44. Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондаларига қўшимча киритиш тўғрисида. – Тошкент, 16.06.2004. № 288.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. – Тошкент, 02.08.2005. № 180.

46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли Қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида». – Тошкент, 06.10.2005. №243.

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». ПФ-3665-сонли Фармони). – Тошкент, 29.11.2005. № 266.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли Фармони амалга ошириш ҳақида. – Тошкент, 11.01.2006. № 4.

49. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент, 01.05.2006. № 74.

50. Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон Қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли Қарори). – Тошкент, 15.05.2007. № 99, 5-сон, 27-модда.

51. Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида. – Тошкент, 06.12.2007. № 249.

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон Қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида. – Тошкент, 24.01.2008. № 13.

## **II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ ВА МАЪРУЗАЛАРИ**

53. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

54. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 261-б.

55. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 528-б.

56. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 432-б.

57. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма йиғилишида сўзлаган нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 96-б.

58. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 144-б.

59. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 48-б.

60. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустақамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. – Тошкент февраль, 2006.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 48-б.

### III. КИТОБ ВА ТУРКУМ НАШРЛАР

62. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. 319-б.

63. Абдукаримов Б., Жабриев А., Зугуров Н., Қутбитдинов А., Пардаев М., Шовкиев Э. Корхона иқтисодиёти. – Тошкент: Фан, 2005. 238-б.

64. Абдуллаев А., Қаюмов И. Бухгалтерия ҳисоби. II нашр. – Тошкент: Минҳож, 2002. 191-б.

65. Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. 592-б.

66. Абдуллаев Ё. Қизикарли статистика. Тошкент: Молия, 2006. 206-б.

67. Александров И.М. Налоги и налогообложение. – М.: Дашкови К. 2005. 318-б.

68. Альмардонов М.И., Кузиева Н.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Тошкент: Иқтисод – молия, 2007. 214-б.

69. Авророва И.А. План счетов. Налоговый комментарий. – М.: Налог инфо, Статус – К во 97, 2006. 296-б.

70. Бондарчук Н.В., Карпасова З.М. Финансовый анализ для целей налогового консультирования. – М.: Вершина, 2006, с. 192.
71. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Тошкент: Молия, 2002. 672-б.
72. Воҳидов С., Махамадиев А., Воҳидов Т. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Ўқув кўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, 2004. 238-б.
73. Ваҳобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси-нинг Давлат бюджети. – Тошкент: ТМИ, 2002. 115-б.
74. Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонкулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Тошкент: Шарқ, 2005. 480-б.
75. Варфоломеева Ю.А. Налоговое право. Курс лекций. – М.: Ось-89, 2006. 176-б.
76. Волкова О.Н. Управленческий учет. Учебник. – М.: Проспект, 2006. 472-б.
77. Гадов Э.Ф., Хайдаров Ш.У. ва бошқалар. Йиллик ҳисобот – 2005 Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 448-б.
78. Гадов Э.Ф., Югай Л.П. Экспортно-импортные операции. Том 1,2. –Ташкент: Норма, 2006, с. 416-288.
79. Глава 25 Налогового кодекса РФ. Новая редакция и комментарии. – М.: Вершина, 2005, с. 248.
80. Гуломов С.С. Менежмент асослари. – Тошкент: Шарқ, 2002. 365-б.
81. Гулямова Ф.Г. Учетная политика предприятия. – Тошкент: Мир экономики и права, 2004, с. 208.
82. Гулямова Ф.Г. Самоучитель по бухгалтерскому учету. – Тошкент: Мир экономики и права, 2004, с. 432.
83. Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: Иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси. – Тошкент: 2001. 152-б.
84. Журавлев В.Н. Первичные документы и регистры налогового учета. – М.: Налог Инфо, Статус-Кво 97 2006, 160-с.
85. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. – Тошкент: ТМИ, 2004. 210-б.
86. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004. 476-б.
87. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 264-б.
88. Иброҳимов А.К., Қаримов А.А. Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 104-б.

89. Иброҳимов А.К., Каримов А.А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 143-б.
90. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 272-б.
91. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2004. 592-б.
92. Качалин В.В. Финансовый учет и отчетность в соответствие со стандартами ГААР. – М.: Дело, 2000, 432-с.
93. Касьянова Г.Ю. Бухучет, налоги, право: просто о сложном. – М.: АБАК, 2006, 64-с.
94. Кваша Ю.Ф., Зрелев А.П., Харламов М.Ф. Налоги и налогообложение. М.: Высшее образование, 2005. 203-с.
95. Керимов В.Э. Стратегический учет: Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальностям: «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит» Под ред. В.Э.Керимова.– М.: Омега– Л, 2005. 168-с.
96. Кожин В.Я. Налоговый учет: Пособие для бухгалтера. – М.: КНОРУС, 2004. 656-с.
97. Кожин В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управление прибылью. М.: Экзамен, 2005. 416-с.
98. Кондраков Н.П., Краснова Л.П. Принципы бухгалтерского учета. Учебное пособие. – М.: ФБК ПРЕСС, 1997. 192-с.
99. Кудбиев Д.К. Проблемы анализа использования основных фондов в торговле. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 126-с.
100. Крохина Ю.А. Налоговое право: Учебник. – М.: Высшее образование, 2005. 410-с.
101. Курбанов З.Н. Бухгалтерский учет и экономический анализ в торговле в условиях рынка. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. 145-с.
102. Курбанов З.Н., Темирбулатов Р.Я. Теория бухгалтерского учета: Учебное пособие. – Фаргона: Фаргона, 2003. 276-с.
103. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Академия, 2002. 204-б.
104. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. 32-б.
105. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Тошкент: Иктисод – молия, 2007. 245-б.
106. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: Тошкент Молия институти, 2004. 348-б.
107. Маматов З.Т., Нарбеков Д.Э. Аудит асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тошкент Молия институти, 2007. 20-б.

108. Микро и макро экономика: Учебное пособие. – Мн.: Книжный дом; Мисанта, 2005 224-с.
109. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Тошкент: Молия, 2003. 220-б.
110. Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета. /Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл: Пер. с. англ./ Под ред. Я.В.Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1993.:496-с.
111. Очилов И., Азларов Д., Авлокулов А. Молиявий ҳисоб. Ўқув кўлланма. – Тошкент: ТМИ. 2004. 328-б.
112. Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. Учебное пособие. М.: ИДФБК – ПРЕСС, 2001. 672-с.
113. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби.-Тошкент, Академия, 2002. 176-б.
114. Пардаев А.Х., Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш. – Тошкент: ZARQALAM, 2005. 109-б.
115. Пардаев А., Костаев. Акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва таҳлили. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2006. 166-б.
116. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: «Зарафшон» нашриёти, 2001. – 272 б.
117. Пардаев М.Қ. Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005.
